

ЮТУҚНИНГ  
КАЛИТИ —  
МЕХНАТ.

Ўзбек халқ  
мақоли



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 24-aprel, shanba № 32 (8265) ISSN 2010-6416

Kuch - bilim va tafakkurda

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг устувор йўналишлари сиёсий алоқаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни, жумладан, ШХТ доирасида янада фаоллаштириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади.

Меҳмон таъкидлаганидек, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида, ушбу ташкилот фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ҳам Хитой каби қуролли можаролар давом этаётган ҳудудларга яқин жойлашгани боис минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга стратегик муҳим аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашини қайд этди.

Учрашувда ШХТ доирасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилот ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг нуфузини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мэн Цзяньчжун самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон раислигида ШХТ доирасида режалаштирилаётган тадбирлар, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи юксак савияда ўтишига ишонч билдирди.

(ЎЗА)

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 апрель куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари, шунингдек, ШХТ Бош котиби М.Имоналиев ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Ж.Жуманбековни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТ фаолиятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича кўп томонлама комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби йўналишларидаги ҳамжиҳатлик юксак натижалар бераётганидан мамнуният изҳор этиб, уларни мувофиқлаштиришда ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳозирги даврда ШХТнинг нуфузи, фаолиятининг аҳамияти ошиб бораётгани ҳақида сўз юритар экан, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда, халқаро тер-

роризм, айирмачилик, экстремизм ва наркотрафикка, шунингдек, стратегик муҳим минтақа бўлган Марказий Осиёдаги бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда мазкур ташкилотнинг роли тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган ШХТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви институти ҳозирги шароитда минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ўзаро келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим механизмга айланди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЙИЛ ПЕДАГОГИ: РАҒБАТ, ИШОНЧ ВА ТАШАББУСЛАР ҚАНОТИ

Yilning eng yaxshi  
pedagogi



Биринчи ўринни забт этиш истаги кейинги икки ҳафта мобайнида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида ўз фани йўналишида иштирок этган барча муаллимлар қалбида жўш урган бўлса ҳам, мусобақанинг азалий қонунига асосан, 181 нафар қатнашчидан фақат 14 нафари энг юқори поғонани забт этди. Навбатда эса яна бир синов: 14та фан бўйича ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаган ўқитувчилар ўртасида «Йилнинг энг яхши педагоги» беллашуви бошланди.

Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида бўлиб ўтган ўзига хос янги танловда табиийки, ҳар бир фан бўйича етук мутахассис дея тан олинган ўқитувчиларнинг барчаси «Йилнинг энг яхши педагоги» сифатида эътироф этилишга муносиб. Кўрик-танлов шу жиҳати билан ҳам барчанинг эътиборини тортди.

Албатта, ўз фанининг ҳақиқий билимдони деб топилган маҳоратли педагоглар орасидан энг сарасини аниқлаш ўта мураккаб жараён. Бунинг учун ташкилотчилар томонидан тўртта турдаги синов шартлари ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи тур «Ўқитувчи бир соат дарсда» деб номланган.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

ҲАР БИР  
МУВАФФА-  
ҚИЯТДА  
КАШФИЁТЛАР  
ПОЙДЕВОРИ

3—5-бетлар

ТАСВИРИЙ  
САНЪАТ  
ТАЪЛИМИ:  
юксак эътибор  
самаралари

7-бет

ҚУЛОҚДАГИ  
РЕКЛАМА  
«ШОВҚИН»И

8—9-бетлар

КЕЛАЖАКНИНГ  
«ПЎЛАТ  
ОТ»ЛАРИ

12-бет



## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йил июнь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказилиши мўлжалланаётган ШХТ саммити арафасидаги тадбирлар доирасида мазкур ташкилотнинг турли тузилмалари томонидан қарорлар қабул қилиш механизми самардорлигини ошириш истиқболлари кўриб чиқилди. Учрашув қатнашчилари ШХТга аъзо мамлакатларнинг минтақавий ривожланишнинг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган конструктив фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бунда, айниқса, 2010 йил 5 апрель куни Тошкент шаҳрида имзоланган ШХТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация асосида БМТнинг тегишли антитеррор бўлини маси билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида, ушбу ташкилот фаолигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Сухбат чоғида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига тайёргарликнинг бориши тўғрисида, умумминтақавий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2010 йил 23 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг навбатдаги — бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари К.Жанбуршин, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу, Қирғизистон Республикасининг ШХТ масалалари бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Т.Макеев, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Патрушев, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кен-

гаши котиби А.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Атаев иштирок этди.

Учрашувда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби М.Имоналиев ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия кўмитаси директори Ж.Жуманбеков қатнашди. Мажлис Ўзбекистон томони раислигида ўтди.

Учрашувда ШХТ худудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга, шунингдек, наркотик-

ларнинг ноқонуний айланishi ҳамда интернет-терроризмга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар ШХТнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтадиган мажлиси доирасида тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ШХТ фаолиятининг

ҳуқуқий асосларини, Ташкилот доирасида консенсус принципи асосида қарорлар қабул қилиш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

Учрашув иштирокчилари ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур тузилманинг 2009 йилги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳасини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари бешинчи учрашувининг мажлиси якунларига доир протокол имзоланди.

(ЎЗА)

## ЙИЛ ПЕДАГОГИ: РАҒБАТ, ИШОНЧ ВА ТАШАББУСЛАР ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ажратилган 60 дақиқа ичида иштирокчилар ўзининг дарсга тайёргарлик кўриш босқичлари, ўқувчиларга янги мавзунини тушунтириш йўллари ва қўллайдиган методлари, берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш йўллари, ўрганилаётган мавзунини мустаҳкамлашдаги технологияси, ахборот-коммуникация воситаси ва кўргазмалар қуроллардан фойдаланиш бўйича ижодий иш ёзиб, уни ҳакамлар ҳайъати олдида оғзаки ҳимоя қилдилар.

Иккинчи тур топширигида мутлақ ғолибликка даъвогарлар ўзи дарс бераётган синфлардан биттасига психологик тавсифнома ёзишлари лозим бўлди. Ўқувчилар орасидаги шахслараро муносабатлар, уларнинг психологик хусусиятлари, интеллектуал имкониятлари, хатти-ҳаракатлари, синф муаммолари акс этиши керак бўлган бу тур 20 баллик натижа билан баҳоланди. Кейинги синовда ҳар бир иштирокчи беш дақиқа ичида ўз педагогик

тажрибасининг шаклланиш йўллари саҳнада намойиш этар экан, ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларнинг инновацион усуллардан фойдаланиши, умумий педагогик эрудицияси, саҳнада ўзини тута билиши, аудиторияни жалб қила олиш маҳоратини «Етти марта ўлчаб, бир марта кесиш» нақлига риоя қилган ҳолда баҳоладилар.

Ва ниҳоят, сўнгги босқич «Айлана стол атрофидаги суҳбат»га етиб келган 6 нафар ўқитувчига таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳот ва белгиланган вазифалар ҳақида саволлар берилар экан, уларнинг таълим тараққиётидаги энг замонавий тенденцияларни қай даражада билиши, уни амалиётда қўллаш олиши, таклиф-мулоҳазаларининг давр талаблари билан боғлиқлиги, далилларга асосланганлиги, ўз қарашларини назарий жиҳатдан намоён қила олиши ойдинлашди.

Ниҳоят, барча синовлардан ўз ақлий ва педагогик салоҳияти билан муваффақиятли ўта олган, энг сўнгги босқичда ҳам ҳамкасблари орасида бугунги

кун ўқитувчиси хос алоҳида қирралари билан ажралиб турган иштирокчи мутлақ ғолибликка муносиб топилди.

«Йилнинг энг яхши педагоги» — Тошкент шаҳридаги 118-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бибисора Ҳасанова ўз ҳаяжонларини шундай ифодалайди:

— Энг аввало, танлов катта тажриба ва маҳорат тўплаш майдони бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Юртимизнинг барча худудларидан ва турли фанлардан энг юқори натижага эришган ҳамкасбларим орасида бу номинацияга сазовор бўлиш жуда катта масъулиятни елкамга юклайди. Ҳаяжонданман, хаёлимда янги-янги режалар. Уларни амалга ошириш учун эса юртимиздаги ҳар бир таълим даргоҳида зарурий шарт-шароитлар муҳайё. Демак, танлов жараёнида ҳамкасбларимдан ўрганган илғор тажрибаларни ўз ютуқларимга уйғунлаштирган ҳолда янада фаолроқ бўлишга янги қувват олдим, десам, муболага бўлмайди.

**Хулкар ТҮЙМАНОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида «Техноген чиқиндилари ва маҳаллий хомашёлари асосидаги композицион материаллар: таркиби, хоссалари ва қўлланилиши» мавзусида Республика илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференциянинг ялпи мажлислари ва «Композицион материаллар учун ингредиентлар», «Композицион матери-

тал ва амалий тавсифга эга тадқиқотларга бағишланганлиги билан эътиборлидир.

Тўғлам нафақат композицион ва нанокомпозицион материалларни яратиш, тадқиқ қилиш ва қўллаш масалалари билан шуғулланувчи олимлар ва тадқиқотчилар, докторантлар, аспирантлар, магистрлар, бакалаврлар, корхоналар, илмий-текшириш институтлари, муассаса ва ташкилотларнинг муҳандис ходимлари учун, балки касб танлаётган ёшлар, шу соҳани ўрганишга аҳтиёж се-

## ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

алларнинг тузилиши ва хоссалари», «Композицион материалларнинг олиниши ва қўлланилиши», «Нанокомпозицион материаллар» каби шўъбаларида тақдим қилинган илмий ишлар 170 дан ортиқ бўлиб, улар юзасидан фикр алмашувлар, савол-жавобларда, баҳс-мунозараларда кўплаб муаммолар, айрим масалаларга оидинлик киритилди.

Конференция материаллари тўғламга киритилган илмий ишлар, композицион ва нанокомпозицион материаллар технологияси ва уларнинг самардор таркибларини яратиш, композит ва нанокомполитлар структурасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларни республика иқтисодиётининг турли тармоқларида қўллаш борасидаги фундамен-

заётган турли касбдагилар учун ҳам қўл келади.

Анжуманда Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбеккимёсанот», «Ўзэлектротехпром», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзавтосанот» компаниялари, «Ўзбекрезинотехника», «Аммофос», «Ўзбекипакчи», «Қизилқумцемент», «Навоийазот» акционерлик жамиятлари, Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, Фармсанотларнинг композицион материалларни Ўзбекистон Республикасида қўллаш ва ривожлантириш, ушбу конференцияни ўтказишдаги роли таъкидланди. Шунингдек, улар билан ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган фикрлар билдирилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**



# ҲАР БИР МУВАФФАҚИЯТДА КАШФИЁТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Аввал хабар берганимиздек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги умумтаълим мактабларидан сараланган илгор, ташаббускор, билимдон ва тажрибали ўқитувчиларни ижодий рақобатта чорлаган нуфузли кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди.

## ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ

Юнусобод туманидаги 97-умумий ўрта таълим мактабида тўрт кун давом этган беллашувда 9 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг кузатувчанлиги, ҳар бир педагогик ёндашувни тўғри ва оқилона «ўлчай» билиши ҳолисона, бамаслаҳат иш кўриши муҳим роль ўйнади.

1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Ёқут Расулова кўрик-танлов ҳақида куйидаги фикрларни билдирди:

— Бошланғич синф ўқитувчисида болажонлик, самимийлик, диққат-эътиборни торта билиш хислатлари мужассам бўлиши лозим. 14та ҳудуддан келган бошланғич таълим ўқитувчиларининг, очиги, тажрибаси, билим даражасига кўра бир-биридан фарқли жиҳатлари жуда кам. Шу боис баҳсларни баҳолаб бориш ҳакамлар ҳайъатидан ўта талабчанликни талаб этди. Шундай қилиб, белгиланган топшириқ-

бўйича бўлиб ўтган ўқитувчилар беллашувига ҳам олис-яқин ҳудудлардан қўллаб-қувватловчилар келишган эди. Шулардан бири Андижон вилояти вакили — Кўрғонтепа туманидаги 35-мактаб муаллимаси Раҳимахон Пўлатованинг турмуш ўртоғи Акмалжон Пўлатовдир.

— Нефть-газ соҳасида ишлайман, рафиқамнинг ана шу касб эгаси эканлигидан фахрланаман. Чунки муаллималар нафақат элнинг, балки ўз

фарзандларининг тарбиясини ҳам рисоладагидек йўлга кўя олади. Раҳимахон 17 йилдан бери мактабда дарс беради. Унинг кўрик-танловда тарих фани бўйича Андижон вилоятида голиб чиқиб, республика босқичида қатнашаётганидан хурсандман. Унинг танловда қандай натижа кўрсатишидан қатъи назар, 2010 йил оиламиз учун унутилмас сана бўлиб қолади.

Шундай қилиб, қўллаб-қувватловчилар далдаси, ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг муносиб баҳоси туфайли тарих фанини ўқитиш бўйича энг тажрибали ўқитувчилар сафидан Тошкент шаҳридаги 118-мактаб муаллимаси Бибисора Ҳасанова (94 б.), Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 5-мактабдан Гулқие Пўлатова (84,2 б.), Навоий шаҳридаги 11-мактабдан Ҳожиакбар Жўлиев (76,5 б.) совриндорлар учлигини ташкил этди.

## ГЕОГРАФЛАР ҲАЙРАТДА ҚОЛИШДИ

География — фанини ўқитишнинг мураккаб ва осон жиҳатларини ана шу соҳада дарс берувчи муаллимларчалик ҳеч ким ҳис қилмаса керак. Танловнинг сўнгги кунини ўқитувчилар ўртасида беллашувнинг сахна кўриниши ва педагогик ринг турлари намойиш этилиб, аввалги топшириқларда эришган натижалари билан қўшилганда, энг юқори бални кўлга киритган ўқитувчилар аниқланди. Бу ҳақда тадбир ташкилотчиларидан бири — Республика таълим маркази методисти Эсонгул Назаралиеванинг хулосаларини келтираемиз.

— Мирзо Улугбек туманидаги 142-мактабда бўлиб ўтган



мусобақада Тошкент шаҳри вакили — Юнусобод туманидаги 240-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳноза Муҳаммедова 92,5 балл, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Хуршида

Шу тариқа барча иштирокчилар ўз концепцияларини тақдим этишгач, физик атамалар шарҳи, яъни педагогик ринг шарти ҳам қизғин тусда ўтди.

— Тақдимот ишимнинг мавзуси «Ўқувчиларга янги педа-

мида ўтиши керак. Шунинг учун мактабда турли тадбирлар ўтказиб туришга ҳаракат қиламан. Ана шундагина ўқувчи сизнинг фанингизга ҳам масъулият билан қарайди. Тақдимотимда шу жиҳатларга эътибор қаратдим.

— Гарчи танловда голиб-ликка эришмаган бўлсам-да, бундан афсусланмайман, — дейди наманганлик иштирокчи, Норин туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси Моҳира Аҳмедова. — Чунки мусобақа бу фақат 1-ўрин эмас, балки янги тажриба, маҳорат ва билим ўрганиш дегандир. Тўрт кун давомида барча ҳамкасблар дўстлашиб, кейинчалик ҳам бир-биримиз билан алоқада бўлиб туришга келишдик.

Шундай қилиб, танлов натижаларига кўра, 1-ўрин Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри-

даги 34-мактаб ўқитувчиси Шоҳида Жўраевага, 2-ўрин Тошкент шаҳри, Шайхонтохур туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Исроил Йўлдошевга, 3-ўрин эса Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Зулфияхон Қодировага насиб этди.

## МАҲОРАТ СИНОВИ

Кўрик-танлов низоми асосида барча иштирокчиларнинг билим ва маҳорати баҳола-

ниб, ҳакамлар, ташкилотчилар томонидан яқиний натижалар ҳисоб-китоб қилина бошланди. Ҳаяжонли дақиқаларда қатнашчилар вақт одимларини бир-бир санар экан, қалбларидаги туйғуларини билан ўртоқлашдилар.

— Танловдан кўп нарсани



гогик технология ёрдамида «инсерт» усули таянч белгилари асосида билим бериш» деб номланади, — дейди Андижон шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчиси Сиёсат Қосимова. — Бу усулдан ўз фаолиятимда бир неча йилдан буён фойдаланиб келаман. Натижалар эса ёмон эмас. Буни ўқувчиларимнинг фан олимпиадаларидаги ютуқларидан ҳам қўриш мумкин. 9-синф ўқувчиси Бегзод Олимжонов шу йил физика фанидан вилоятда 1-ўринни кўлга киритди. Бу албатта менга ҳам янги куч ва ғайрат бағишлайди.

— «Дарсларда янги усуллардан фойдаланиш» мавзусида тақдимот қилдим, — дея суҳбатга қўшилди Жомбой туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Лола Абдуллаева. — Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида ижодкор бўлиши, дарсларни ҳаётини мисоллар ёрда-



ўргандим. Етақчи ўқитувчилар билан таълим сифати ва мазмунини оширишга хизмат қилувчи фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик, — дейди Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 52-мактаб ўқитувчиси Севарахон Аҳмедова.

(Давоми 5-бетда.)

## «Йилнинг энг yaxshi fan o'qituvchisi — 2010»

Зарипова 85,6 балл, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-мактаб муаллимаси Ли Наталья 83,5 баллик натижа билан голибликка эришди.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Юнусобод туманидаги 240-мактаб ўқитувчиси Ш.Муҳаммедованинг сўнгги турдаги маҳорати нафақат иштирокчиларни, балки ташкилотчиларни, ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ҳам ҳайратда қолдирди. Унинг «Капалак» («Бабочка») услубини ҳам илмий, ҳам ҳаётини, ҳам кўргазмали шаклда ҳимоя қилиши юқори балл тўплашига замин яратди.

## БЕЛЛАШУВДАН ДЎСТЛАШУВГАЧА

Учтепа туманидаги 238-мактабда физика фани бўйича бўлиб ўтган танловнинг охири кунини иштирокчилар иш фаолиятларининг тақдимотида ўз педагогик концепцияларини ҳимоя қилишди. Сўнгги кун ва сўнгги тур бўлгани учун ҳам бошида бир-бирига рақобатчи ўқитувчилар энди бир-бири билан кўп йиллик кадронлардек яқин бўлиб кетишди.

Мактабнинг фаоллар залида иштирокчилар бирин-кетин ўзлари танлаган рақам бўйича сахнага чиқиб, маҳоратларини намойиш эта бошладилар. Мана, биринчи бўлиб, сахнага қашқадарёлик иштирокчи чиқди ва компьютер техникаси ёрдамида ўз фаолиятида қўллайдиган турли усуллар, муаммо ва ютуқлар ҳақида қисқача бўлса-да маълумот бериб ўтди. Хусусан, ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган лаборатория машғулоти, айрим тажрибалари слайдлар ёрдамида кўрсатилгани барчанинг эътиборини тортди.

Ундан кейинги иштирокчи — Жиззах вилояти вакили эса табақалаштириб ўқитишнинг ўқувчига таълимий-психологик таъсири ҳақидаги мавзусини ўз фаолияти мисолида гапириб берди. У бу усул ўқувчининг алоҳида иқтидорини кашф қилиш ва ривожлантириш учун ёрдам бериши ҳақида тўхталди.



ларни анчайин бекаму кўст, тўлақонли бажаришга эришган Яккасарой туманидаги 144-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Машрабхон Умарова 89 балл тўплаб, биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринга 83,4 балл тўплаган навоийлик муаллима Муқаддам Болтаева эришди. Наманган шаҳридаги 51-мактаб ўқитувчиси Раънохон Холматова 79,9 балл натижа билан 3-ўрин соҳиби бўлди.

## Қўллаб-қувватловчилар далдаси

Дарҳақиқат, катта синов олдидан сизга ҳамроҳ бўлган киши кўнглида ҳолис ният: у сизнинг синовда голиб чиқишингизни истайди, шунга ундайди. Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этаётганлар ўзи билан ёнма-ён юрган яқинларининг руҳий далдасига таянганини кузатдик. Мирзо Улугбек туманидаги 207-мактабда тарих фани



**✓ ҚЎШРАБОТ ТУМАНИДАГИ 22-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ЭСТЕТИК ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ҚАНЧА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

Шу мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси Мақсуда Ниёзова бир неча йиллардан бери ёш авлодга фаннинг сир-асрор-

осори-атиқаларни замонавий руҳда қайта шакллантирмоқда.

Ойлик давомида ҳар бир ўқувчининг қизиқишига қараб, индивидуал суҳбатлашиб, ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар тўлдирилиб, улар эгаллаган малакалар ДТС талаблари даражасига етказилмоқда. Бунинг учун "Энг яхши кашта ва каштачи", "Энг яхши дўппидўз" каби беллашувлар ўтказилиши анъанага айланган. Беллашувлар ва фан ойлиги якунида энг сара билимдонлар аниқланиб, рағбатлантирилиб борилади.

**Раҳимиддин ШОВҚИЕВ.**

Қўшработ тумани



ларини ўргатиб келмоқда. Фан ойлигини янада қизиқарли ўтказиш мақсадида халқ амалий санъатининг каштачилик, зардўзлик ва дўппидўзлик каби соҳаларига доир ота-боболаримиздан мерос бўлиб сақланиб келаётган буюмлардан кўرғазмали қурол сифатида фойдаланиб, бу

**✓ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ.**

Танлов иштирокчилари солиқ тўғрисидаги тушунча, билим ва қарашларини ўз ижодий ишлари орқали намоён этишди. Умумтаълим мактабларининг 1—4-синф ўқувчилари ўртасида «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири» йўналиши бўйича Марҳамат туманидан Моҳинур Қаҳҳоржонова, 5—9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши» йўналишида Андижон шаҳридан Абдурахмон Умаржонов, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иншо номинацияси бўйича эса Олтинкўл туманидан Гулшаной Абдурахмонова, шунингдек, «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши компьютер тақдими бўйича Олтинкўл иқтисодий коллежи ўқувчиси Тахминахон Абдунаби қизи биринчи ўринни эгаллади. Танлов ғолибларига вилоят Давлат солиқ бошқармасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Солиқ саводхонлиги ва маданияти ҳақидаги тушунчалар шу тариқа ўқувчилар, талаба ёшлар онгига синдириб борилса, эртага улар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс сифатида юртимизнинг тартибли солиқ тўловчиларига айланишади.

**О.СИДДИКОВ**

**✓ ҚУРУВЧИЛАР БАРЧА ДАВРДА ҲАМ ИНСОНЛАР УЧУН ЭНГ КЕРАКЛИ, ЭНГ ҚАДРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ САНАЛИШГАН. МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУРУВЧИЛИК СОҲАСИДА ЕТУК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИДА ҚУРУВЧИЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БОРАСИДА ТУРЛИ УЧРАШУВ, КЎРГАЗМАЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Ана шундай тadbirlar-дан бири — Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Амалий кўрғазма тарзида ташкил этилган тadbir Тошкент архитектура-қурилиш институти ташаббуси билан ўтказилди. Айтиш керакки, институтда коллежлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Хусусан, 5та кафедрага коллежлар бириктирилиб, институт ҳаёти, мавжуд факультет ва йўналишлар, ўқиш жараёнлари ҳақида ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тadbirда ТАҚИ профессор-ўқитувчилари, маркетинг хизмати ходимлари, шунингдек, коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Тadbirни коллеж директори очиб берди. ТАҚИ профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Эркин Қосимов ўзининг кўп йиллик

меҳнат фаолияти, орттирган тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга тавсия ва йўл-йўриқлар берди.

ТАҚИ академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Абдуқобил Тўлаганов талабаларга институт фаолияти, йўналишлари ҳақида замонавий кўрғазмали қуроллар орқали батафсил маълумот берди.

— Тadbirни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, коллеж ўқувчиларида қурувчилик касбига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларга институтимиз ҳақида кенгрок тушунча беришдир, — дейди Абдуқобил Тўлаганов. — Ва яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчи эдим. Жорий йилда институтимизда ўзбек-немиш қурилиш факультети очилиб, талабалар учун янги имкониятлар пайдо бўлади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

**✓ «БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ЁШЛАР ЛОЙИХАЛАРИ 31 МАРТДАН 24 АПРЕЛГА ҚАДАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

«Биз — бир жамоамиз» акцияси доирасида пойтахтдан Навоий шаҳрига таниқли фан, маданият, санъат арбоблари, шунингдек, эстрада юлдузлари ташриф буюришди. Шу куннинг ўзида «Эътиборда ёш журналистлар» медиа форуми, расмий тақдиротлар, интерфаол ўйинлар, викториналар шахримизнинг маданият саройида бўлиб ўтди. «Эътиборда ёш журналистлар» медиа форумида 10 нафарга яқин ёшлар матбуот маркази аъзолари иштирок этишиб, баҳарилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида меҳмонлар билан фикр алмашдилар. Акциянинг якуний қисмида лойиҳанин энг фаол иштирокчилари тақдирланди.

**Шаҳноза СУЛАЙМОНОВА.**

Навоий вилояти



**✓ ПОЙТАХТИМИЗ МАРКАЗИДА ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛГАН «ЯНГИ АВЛОД ФОРУМИ» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЁШ ДОИРАЧИЛАР АНСАМБЛИНИНГ ШЎҲ САДОЛАРИ ОСТИДА БОШЛАНГАН ТАДБИР БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЁТ КЎРГАЗМАСИГА УЛАНИБ КЕТДИ.**

Марказда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1000 нафар болалар таҳсил олмақда. Ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларни жисмонан ҳамда руҳан баркамол этиб тарбиялаш, танлаган соҳалари бўйича керакли шароитларни яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ ёшларга бепул таълим бериш билан бирга хориз мамлакатларида ўзларининг истеъдоду имкониятларини баралла намоён этишига кенг йўл очиб бермоқда. Тарбияланувчилар Минск давлат болалар ва ёшлар саройи томонидан уюштирилган «Дунё бўйлаб» интернет танлови, Лондондаги санъатлар қироллик коллежида ўтказилган «Ўзбекистон — болалар нигоҳида» фотокўрғазмаси, Россиянинг «Жонли харита» интернет танлови, Пекиндаги «Ҳамоҳанглик ва тинчлик меҳр келтирар» 4-халқаро болалар ижодий фестивали ва бошқа танловларда фаол иштирок этмоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**  
**ЎЗМУ талабаси**

**✓ БУГУН ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ДАРС ЎТИШ НАТИЖАСИДА ТАЪЛИМДА КЎПЛАБ ИЖОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА. ЎҚИТИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ, УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЎҚУВЧИЛАР ОНГИ ВА ТАФАККУРИНИ БОЙИТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**



Арносой туманидаги 8-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Юлдуз Жўраева ўқувчиларга она табиатни севиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асрашни ўргатиб келмоқда. — БМТ томонидан 2010 йилнинг «Биологик хилма-хилликни сақлаш йили», деб эълон қилиниши бежиз эмас, — дейди муаллима. — Маълумки, она тупроғимизда ўсаётган айрим гулу гиёҳлар ўзга юртларда деярли учрамайди. Шундай экан, табиат инсониятдан мавжуд биологик ҳолатни тўлақонли сақлашни талаб этади.

улотлар жараёнида «Гуллар дас-таси», «Қушлар кун» ва «Меҳржон» байрамларини ўтказаман. Бу ўқувчиларнинг табиатга меҳрини кучайтиради. Айниқса, ўқувчиларим ўзлари экиб ўстираётган гуллар, асраётган хонаки жониворларни парвариш-лаш орқали уларнинг қандай ҳаёт кечирishiга гувоҳ бўлишади. Ўқувчиларга экологик тарбия беришда ботаника, зоология, биология фанлари салмоқли ҳисса қўшди.

Муаллима болалар билан ишлаб зерикмайди. Изланишлари натижасида мактаб синф хоналари ва кириш йўлакларидан 100га яқин гул ва кўчатлар коллекцияси яратилди. «Жонли бурчак»да табиат мўъжизалари сақланади.

**Номоз ҚАРШИЕВ.**

Арносой тумани

**✓ ҚИБРАЙ ТАДБИРКОРЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ, БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.**

Жорий ўқув йили бошида ушбу ҳамкорлик доирасида коллежда институтнинг «Менежмент» кафедраси филиали ташкил қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларга мазкур фанни чуқур ўргатиш ва кафедра илмий ходимларининг ўқувчилар билан самарали иш олиб боришларига замин яратди.

Яқинда кафедра илмий ходимларининг ташаббуси билан ўтказилган «Самарали бошқарувни амалга оширишнинг ташкилий-услубий муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Унда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Алоқабанк» ОАТБ ходимлари иштирок этишди. Кафедра ассистенти Ҳ.Раҳматов самарали бошқарувда банк, молия ва инвестициянинг ўрни ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг иштирокчилар ҳам ўз мулоҳазаларини билдиришди. Бу эса ўқувчиларнинг соҳа мутахассислари билан жонли мулоқотга киришлари учун асос бўлди.

Айтиш жоизки, бу каби учрашувлар ўқувчи-ёшларнинг танлаган касби ва мутахассислиги бўйича пухта билим олишини таъминлашга хизмат қилади.

**Ж.ФОЗИЛОВА,**  
**коллеж ўқитувчиси**

**✓ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ БОҒЛАР, СЎЛИМ ГУЛЗОРЛАР ҲАР БИР КИШИНING КАЙФИЯТИНИ КЎТАРИШИ ТАБИИЙ. ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИДА ЭКОЛОГИК МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ, ГУЛЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ, МАКТАБ АТРОФИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛЛАШТИРИЛАЁТИР.**

Хусусан, Юнусобод туманидаги 260-мактабнинг ботаника фани ўқитувчиси Мунаввар Икромова ўқувчилари билан мактаб ҳовлисида тажриба майдони яратди. Бу ишда, асосан, мактабнинг 5—6-синф ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда.

Ўқув-тажриба майдонида ўқувчилар назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга амалиётда ҳам синаб келаётир. Шунингдек, улар ўзлари эккан ҳар

бир ўсимликни униб чиқшидан то ҳосилга киргунча парваришлаб эътибор билан кузатадилар.

Ўқув йили тугагандан сўнг, яъни ёзги таътилда ҳам ўқувчилар ўсимликларни суғориш, ишлов бериш ва парваришлаш ишларини навбатма-навбат ташкил қилиши эътиборлидир.

Ҳозиргача қилинган ишлар натижасида мактаб ҳовлиси кўркам тусга кириб, боғда экилган гуллар кий-фос очилди.





# ҲАР БИР МУВАФФАҚИЯТДА КАШФИЁТЛАР ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

— Мактаб ҳудудида юрар эканман, мен дарс ўтган синф ўқувчиларининг атрофимни ўраб олиб, “Устоз, бизга жуда ҳам яхши дарс ўтдингиз, катта раҳмат, сизни эсдан чиқармай-миз”, деган сўзларидан қаттиқ таъсирландим. Шунинг ўзи энг катта мукофот, — дейди бухоролик ёш мутахассис Лола Бердиева.

Яна бир қатнашчи, наманганлик Абдуқаҳҳор Раззоқов бу ерда ўзининг педагогик, психологик ва методик жиҳатдан қайта тайёрланганини, Жиззах, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари билан кучли рақобат муҳитида куч синашганини, камчилик ва ютуқларидан бохабар бўлганини алоҳида эътироф этди.

Шундай қилиб, «Иқтисодий билим асослари» фанидан “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010” кўрик-танловининг республика босқичи низоюсига етди. Кутилган вақт етиб келди. Биринчилик Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси Хушруд Боқиевга, иккинчи ўрин Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Лола Бердиевага насиб қилган бўлса, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги “Ором” боғча-мактаб мажмуаси ўқитувчи-

си Матлуба Қосимова учинчи ўринни қўлга киритди.

## ИШОНЧ ТАНТАНАСИ

Танловнинг сўнгги кунинда чизмачилик фани ўқитувчилари бирийўла икки шартни бажардилар. Ушбу шартлар ўқитувчиларнинг нутқий маданияти, иш тажрибаси ва фаолияти, келгусидаги мақсадлари ҳамда педагогик малакаларини яна бир бор синовдан ўтказиш билан бирга, ўз соҳасига доир атамаларни қанчалик ўзлаштиргани, ҳаяжонини босиқлик билан енгиб, беш дақиқа ичида уларга жавоб беришлари талаб қилинди.

Ниҳоят, барча шартлар адо

этилиб, голибларни эълон қилиш фурсати келди. Биринчи ўринга Тошкент вилоят Тошкент туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Ойбек Ваҳобов сазовор бўлган бўлса, иккинчи ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Сирождидинова қўлга киритди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 95-мактаб ўқитувчиси Абдурахим Ҳақимов эса учинчи ўрин соҳиби бўлди. Эътиборлиси, танловда ўз тажрибасини намойиш этган ҳар бир иштирокчига «Фаол иштирокчи» дипломлари топширилди.

## ГАЛАБА ИШТИЁКИ

Муסיқа фанидан ўтган танловда ҳам барча иштирокчилар ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишга эришди.

Айниқса, қорақалпоғистонлик Артиқбай Ережепов ҳамда бухоролик иштирокчи, Ғиждувон туманидаги 8-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Туйғун Раҳматовнинг тақдим этган концепцияси кўпчиликка, жумладан, ўз рақобатчиларига ҳам манзур бўлди.

— Бугун “Қорақалпоғистон халқ кўшиғи



ва муסיқаларининг тарихи” мавзусида методик қўлланма тақдим қилдим, — дейди А.Ережепов. — Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали этнографик бўлимида «Қорақалпоқ халқ чолғу асбобларининг тарихи» мавзусида тадқиқот олиб бораётган. Дарсликларимизда чолғу асбобларининг тарихи ҳақида деярли маълумот йўқ. Илмий излашим давомида вилоятлардан маълумотлар тўплаб, ноанъанавий дарс методик қўлланмасини тайёрладим. Йиққан маълумотларим мактаб дарсликларига киритиладиган бўлди.

Хуллас, умидворлик билан

кутилган — голиблар эълон қилинадиган онлар етиб келди.

1-ўрин Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Зиёда Ишмуродовага, 2-ўрин Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ориповага ва 3-ўрин — Фарғона шаҳридаги 25-мактаб муаллими Ганижон Ҳошимовга насиб этди.

**Хулкар ТҮЙМАНОВА,**  
**Райҳона ХҲЖАЕВА,**  
**Санжар РУСТАМОВ,**  
**“Ma'rifat” мухбирлари**

**Суратларда: кўрик-танлов жараёни акс этган.**

**Б.РИЗОКУЛОВ** ва **В.ГРАНКИН** олган суратлар.



## КИЧИК ЖАМОАДАГИ КАТТА АҲИЛЛИК

Ушбу мактабда нафақат Яқкабоғ тумани, қолаверса, Қашқадарё воҳасининг узоқ-яқин барча туманларидан, ҳатто қўшни вилоятлардан илм излаб келган ёшлар ҳам таълим-тарбия олмақда. Мактаб-интернатда шарт-шароитлар рисоладагидек. Давр талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ўқув ва амалиёт биноси, ошхона, 100 ўқувчига мослаб қайта таъмирланган ётоқхона, маънавий ва маърифат хонаси, компьютер ўқув зали, мустақил ўқиш хоналари ҳамма-ҳаммаси ўзига хос ораста ва меъёрий талаблар асосида безатилган.

— Айни кунда илм масканимизда 166 нафар ёшлар таълим-тарбия олишяпти, — дейди мактаб-интернат директори Тошкан Диёров. — Уларга 19 нафар устоз чуқурлаштирилган дастурлар асосида илму одоб ўргатишяпти. Мактабимиз математика, физика, кимё, она тили ва адабиёт, рус ва немис тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган. Жамоамиз жуда аҳил. Ўқитувчиларимиз ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ишларидан завқ оладиган, ўта фидойи инсонлар. Ўнлаб ўқитувчиларимизнинг ишлари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилган...

## ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ МАРКАЗ

Мактаб-интернатда илмий-услубий марказлар ташкил этилган бўлиб, таълим-тарбия ишининг самарадорлигини асосан ана шу марказлар назорат ва таҳлил қилиб боради. Физика, математика ва кимё фанлари илмий-услубий маркази, синф раҳбарлари ва тарбиячилар услубий бирлашмалари аниқ режа ва дастурлар асосида фаолият юритади.

— Математика, физика ва кимё фанлари илмий-услубий маркази ушбу фан ўқитувчиларидан ташқари, чизмачилик, меҳнат таълими, иқтисод каби фан ўқитувчиларини ҳам бирлаштиради, — дейди унинг раҳбари Олимжон

# МЕТОДИК КЎМАК КАРОМАТИ

*Яқкабоғ туманининг Дархан қишлоғидаги 2-дават ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати мувоффақиятида илмий-услубий марказлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Рўзиев. — Тузилган аниқ режалар асосида фаолият юритамиз. Марказ бир вақтнинг ўзида услубий бирлашма ишларини ҳам амалга оширади. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил тарзда изланаётган мавзуларига илмий раҳбарлик қилиб боришади. Уларнинг фанлар йўналишидаги ўзлаштиришлари, билим ва малакалари таҳлил қилинади. Фан олимпиадалари ва танловларга тайёргарлик ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Физика, математика ва кимё фанлари илмий-услубий маркази томонидан 2009—2010 ўқув йилида 13та йиғилиш ўтказиш режалаштирилган. Шу кунгача 8та йиғилиш ўтказилиб, режадаги маърузалар эшитилиб, таҳлил натижаларининг баённомалари тузилган. Гуманитар фанлар илмий-услубий маркази ҳам жорий ўқув йилида режалаштирилган 14та йиғилишнинг 9тасини ўтказган. Тан олиш керакки, мактаб-интернат илмий-услубий марказларида ўқитувчилар томонидан бир талай ибратли ташаббуслар амалга оширилган. Махсус деворий стенд ва бурчаклар ташкил этилган. Кўплаб альбом шаклидаги реферат ишлари ва маърузалар тўплами тайёрланган.

## «ОЧИК ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ» ЯКУНЛАНДИ

Март ойи мактаб-интернатда «Очиқ дарслар фестивали ойи» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги саъй-ҳаракати билан ташкил этилган бу тадбирдан ўқувчилардан тортиб, ота-оналаргача, қишлоқ ва маҳалла-гузар кайвониларигача — ҳамма-ҳамма хабардор қилинди.

— 1 мартдан то 31 мартгача илм масканимизда 32 соат очик дарс ташкил этдик, — дейди Тошкан Диёров. — Тадбир муносабати билан фан хоналарида, илмий-услубий марказларда жуда катта ишлар амалга оширилди. Очик дарслар даражасини баҳолаб борувчи ўқитувчи ва ота-оналардан иборат махсус гуруҳ туздиқ. Рағбатлантирувчи 3та ўрин белгилаб, голиб ўқитувчиларга Директор жамғармаси ҳисобидан бир ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот пули бериладиган бўлди. Бундан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қизиқиш ва масъулиятлари янада ошди. Бир-биридан қизиқарли ва ноанъанавий дарслар ўтилди. Фестиваль моҳиятидан бохабар барча ўқувчилар сеvimли устозларининг меҳнатларини юзага чиқариш учун очик дарсларга бефарқ қарашмади...

Хуллас, апрель ойининг биринчи ҳафтасида очик дарслар фестивали якунлари эълон қилинди. Мактаб-интернатнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани муаллимаси Озода Бобмуродованинг 9-синф ўқувчиларида ўтган «Тўлдирувчи ҳақида маълумот» мавзусидаги очик дарси голиб деб топилди. Мактаб-интернатнинг олий тоифали кимё фани муаллими Аҳрор Назаров иккинчи, олий тоифали она тили

ва адабиёт фани муаллими Толиб Хусанов учинчи ўринни эгаллади. Голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

## МАКТАБДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Қашқадарё вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирий режага мувофиқ яқинда мактаб-интернатда «Таълим-тарбия сифатини ошириш омиллари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган мактаб раҳбарлари ва фаол ўқитувчилар иштирок этди. Иштирокчилар кун давомида таълим муассасасида олиб борилаётган дарслар ва синфдан ташқари машғулотларни таҳлилий ўргандилар.

— Ҳақиқатдан ҳам ушбу билим масканида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ибратли тажрибалар жорий этилган экан, — дейди Миришкор туманидан ташриф буюрган мактаб директори Нарзилла Бойев. — Мен бугун 3 соат дарс таҳлил қилдим ва яна гуманитар фанлар илмий-услубий маркази ишини ўргандим. Узоқ йўл босиб келганимга яраша бир олам таассурот билан қайтдим.

Семинар-тренинг якунида бўлиб ўтган очик мулоқотда иштирокчилар мактаб-интернатда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасидаги тажрибаларни кенг миқёсда оммалаштиришга лойиқ, деб топилди. Уларнинг кўпчилиги 5-синфда ўқитувчи Толиб Хусанов ўтган она тили, 8-синфда Дилноза Назарова ўтган немис тили, 11-синфда Озода Бобмуродова, Аҳрор Назаров ва Олим Рўзиев ўтган адабиёт, кимё, математика дарсларининг самарадорлиги юқори бўлганлигини таъкидладилар. Ўз навбатида, семинар-тренинг иштирокчилари ҳам ўз мактабларида амалга оширилаётган илғор иш тажрибалари хусусида гапириб беришди.

**Абдували ОБИДИНОВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**



Боғчага қатнашни бошлаган бола учун ҳамма нарса ўзгаради: кундалик ва овқатланиш тартиби, ҳаракат қилиш, дам олиш. Бундан ташқари, у тенгқурлари ичида ўз ўрнини топиши, улар билан дўстлашиши керак. Шу боис, боланинг боғчага кўникиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу вазиятда кўпинча кичик ёшдаги болада кучли стресс пайдо бўлиши мумкин. Натижада МТМга қатнай бошлаган айрим болаларнинг иммунитетни кескин пасайиб кетади ва у касалликка тез-тез чалиниши кузатилади. Бундай ҳолатга тушмаслик учун тайёргарликни боғчага боришдан анча олдин бошлаш керак.

**Биринчи омил:** чиниқтириш жараёнини бола яхши кайфиятда бўлган пайтида бошлаш, бақриб-чақриб эмас, балки унинг хоҳишига қараб бажариш лозим. Шунда кичкинтой муолажаларни энгил ва осон бажариб, диққинафаслик ёки руҳий сиқилишларга учрамайди.

**Иккинчи омил:** чиниқтириш жараёнида ота-она иштироки самаралидир. Руҳиятида қандайдир ҳимояланиш хусусияти юзага келган бола тинчланади ва бу уни эркин ҳаракат қилишга даъват этади. Бола билан ота ёки она чиниқтириш муолажаларини биргаликда қабул қилса, бу унга далда бўлиб, куч бағишлайди. Қолаверса, ота-оналар боласи учун

# БОЛАНГИЗ МТМга ЧИҚМОҚЧИ

## УНИ ЧИНИҚТИРИШНИ БИЛАСИЗМИ?

қўлланилаётган муолажалар самарасини кўриш ва ҳис қилиш имкониятига ҳам эга бўлади. Чиниқтириш методикаларидан бир нечтаси куйида тавсия этилмоқда.

### Очиқ табиатда чиниқтириш усуллари:

Кунига икки марта очик ҳавода сайр қилиш катта самара беради. Йирик шаҳарларда, кўп қаватли биноларда яшайдиган айрим оилаларнинг кўпчилиги болаларни сайрга олиб тушмайдилар, улар фақат дарча ёки ойнани озгина очиб кўйиш билан чегараланади. Шу сабабли, бола тоза ҳавони қабул қила олмай заиф бўлиб ўсади. Бола шамоллаб қолмасин, деб ташқарига ўраб олиб чиқиш ҳар доим ҳам тўғри эмас.

Баҳор, ёз мавсумида мактабгача ёшдаги ва мактабдаги фарзандларимизни шаҳардан

тоққа, далаларга, қишлоқларга олиб чиқиш жуда фойдалидир. Табиат кўйида шаҳарга қараганда чиниқтириш тез ва энгил кечади. Оромгоҳлар бу борада катта имкониятдир. Бундай шароитда бола ўзини энгил ҳис қилади, дала, қишлоқ, тоғли ҳудуд ҳавосига ўрганади ва пишйиди. Очик ҳавода нафас олиш, сайр қилиш, ҳар хил ўйинларни ўйнаш, сувда чўмилиш ҳам уларни чиниқтиради, кучли ва бақувват қилади.

### Mutaxassis maslahati



Дала ҳовли, сайилгоҳда дам олиш, кўёшда қорайиш ва очик тоғ ҳавосида нафас олиш иммунитетни кўтариши барчага маълум. Оёқяланг юриш кони фойда. Ёзда танани яланғоч қилиб, очик ҳавода соат 12га қадар бош кийимда пиёда юриш ҳар биримизнинг кўёшдаги ультрабинафша нурларга тўйинишимизда муҳим роль ўйнайди.

Анҳор ва кўлда чўмилиш ҳам чиниқтириш усулларида биридир. Бирданига совуқ сувга тушиш мумкин эмас. Аввал сув олдидаги кумда ўйнаб ўрганган бола 5-10 дақиқадан сўнг сувга тушиб чўмилишни хоҳлайди. Муҳими шукки, биринчи марта сув ҳавзасида чўмилишга борган боланинг ёнида, албатта, катталар бўлиши керак.

### Чиниқтиришдаги муҳим жиҳатлар:

Боғчага борадиган бола ҳар қандай ўзгаришга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлиши керак. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

Бола оила шароитида хоҳлаган вақтда овқатланиб, хоҳлаганда ухлаётган бўлса, кун тартибини жорий этиш керак. Бунинг учун ухлаш ва овқатланиш вақти белгиланиб, болани унга риоя қилишга ўргатилса, кейинчалик у боғча шароитидаги уйку вақтига ҳам қийналмасдан мослашади. МТМга бормасдан олдин фарзандингиз ўз кийимларини кийишни ўргангани маъқул. Боғча шароитида у ўзи кийишини уқтириш лозим.

МТМга кўникиш жажжилар ҳаётидаги энг муҳим жараёндир. Бунга уни тайёрлаб боришимиз керак. Зеро, шундагина унинг МТМга мослашув даври энгил кечади.

Т.ИБРОҲИМОВ

# МАСОФАДАН ЎҚИТИШ

## таълимда яна бир самарадорлик омили

Бугун таълим жараёнида амалга оширилаётган янгиликлар, замонавий кўриниш олган мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежларидаги шароитлар, албатта, бир мақсад — юртимизда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган. Бу жараёндан имконияти чекланган болалар ҳам четда қолаётгани йўқ. Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларни уйда ўқитиш тўғрисидаги йўриқнома»нинг ишлаб чиқилгани ҳам бежиз эмас.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 11 минг нафардан ортиқ болалар уйда яқка тартибда ўқишга жалб этилган. Уларга таълим-тарбия бериш жараёнида педагоглар янгидан-янги усулларни ўйлаб топаётганликлари таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилапти.

Уларнинг бу изланишлари натижаси Чилонзор туманидаги 200-мактабда ўтказилган «Имконияти чекланган болалар ва уларни ўқитиш имкониятлари» мавзусидаги амалий семинар-тренингда ҳам ўз аксини топди. Семинарда пойтахтимиздаги мактаб-интернатлар-

дан вакиллар таклиф қилинди.

Имконияти чекланган болаларда кўпинча ўзига нисбатан ишончсизлик ва «мен носоғломман» деган тушунча шаклланиб қолиши мумкин. Кейин уларда тортиниб, уйдан чиқмаслик, одамлар орасидаги мулоқотларга қўшила олмаслик ҳолатлари кузатилади.

Мирфозил Мусаев ҳам бугунги кунда яқка тар-

### Maxsus ta'lim

тибда уйда таълим ола-япти, чунки у автохалокатда яримжон бўлиб қолган эди. Унга Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан компьютер совга қилинди.

Семинар жараёнида 200-мактаб ўқитувчиси Аисафар Жабборова Мирфозил Мусаев билан компьютер орқали боғланиб, инглиз тили фанидан дарс ўтиш жараёнини 5 дақиқа намойиш қилиб берди. Шунингдек, тадқиқотчи-ўқитувчилар масофадан ўқитиш тизимини мактабдан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида, касб-ҳунар коллежларида ҳам жорий этиш имконияти мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтишди. Сабаби, бугунги кунда деярли барча таълим даргоҳлари замонавий компьютер техникалари билан таъминланган.

— Бу турдаги масофа-

дан ўқитиш усули боғча ёшидаги имконияти чекланган болалар учун очик машғулларда иштирок этиш, катта тантанали тадбирларини томоша қилиш, мактаб ёшидаги имконияти чекланган болалар учун мактаб байрамларида «иштирок этиш», фан олимпиадаларида қатнашиш, касб-ҳунар йўналиши бўйича маълумотлар олиш, вояга етган имконияти чекланган абитуриентлар учун кириш имтиҳонларига қатнашиш, танлаган мутахассислиги

бўйича таълим олиш каби шароитларни яратиб беради, — дейди тадқиқотчи-ўқитувчи Ўқтам Худоев. — Энди имконияти чекланган болалар ҳам уйдан туриб мактаб дарсларида иштирок этиши мумкин. Бу эса уларнинг нафақат билим олишларида, балки руҳий тетик бўлишларида ҳам ёрдам беради.

Тадбир давомида экспериментал дарс машғуллари — математика, она тили, табиатшунослик, инглиз тили, тарих фанларидан ўтказилди.

Семинар-тренинг, савол-жавоб кўринишида ўтган тадбирда 200-мактабнинг тажрибали ўқитувчилари С.Бурҳонов, А.Жабборова, Ў.Худоевнинг масофавий дарслари ҳамда тадқиқот ишлари эътироф этилди.

Хулқар РАЖАБОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Болаликда ўқитувчи бўлишни чин дилдан истаган эдим.

Яна бир орзуим — ўзим ўқиган мактабимда устозлик қилиш. Мактабимнинг янги қиёфаси — мен 9-синфга ўтган давримда, унинг тубдан қайта таъмирланиши орзуларимга қанот бағишлади. Устоз бўлиш орзуси, замон талаблари асосида қад ростлаган билим маскани-

«Сиз таълим соҳасининг бўлажак ходимларисиз. Сиз қандай тарбия топсангиз, Сиздан кейинги авлод шу руҳда шаклланади. Баркамол шахс бўлиш учун инсон билим ва гўзал ахлоқ билан безанмоғи лозим», дея ҳамisha таъкидлайдилар.

Гуруҳимиз бўйича мактабгача таълим муассасасида кузатув ама-

### Qutlug' ostona

ушун янгилик эди. Кузатув амалиёти давомида шуни ҳис қилдимки, педагогика коллежидан ўтган қисқа давр мобайнида ўрганган илмларим ўз орзуларим сари парвозга шайланганимнинг исботи эди.

Албатта, орзуим ушалиши йўлида навбатдаги одим — олий

# УСТОЗЛИК САРИ ИЛК ҚАДАМ

да болаларга зиё улашиш истаги мени педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежига етаклади.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи менга болалик орзуларим рўёби сари эшикларни очган зиё маскани бўлди. Биринчи дарс, биринчи тарбиявий соат, маънавият дақиқалари онгу шууримда устоз бўлиш истагини янада мустақамлади. Ўқув юртимизда ўтиладиган касбий фанларнинг ҳар бири менга ўз танлаган касбимнинг серқирра томонларини тобора кенгроқ очиб бера бошлади.

Устозларимиз ўз фанларини чуқур ўргатиш билан бирга

лиёти ўтказилди. Орзуларимиз сари илк қадамлар ташланди. Чуқур ҳаяжон ва ажиб энтиқиш билан жажжи болалар ҳузурига биринчи бор УСТОЗ қиёфасида бордим. Биринчи бор машғулларни бўлажак мураббий сифатида кузатдим... Болалар психологияси, педагогика фанларидан олган билимларимни амалда қўладим. Жажжи болакайларнинг беозорлиги менга ўз орзуларимга эришиш учун чуқур билим ва тафаккурга эга бўлишим лозимлигини яна бир бор ҳис қилишга ундади. Устоз бўла олиш истаги яна бир бор бўй кўрсатди.

Ўқитувчи сифатида мактаб ва боғча мен

уқув юрти талабаси бўлишим зарур. Зеро, бугуннинг педагоги чуқур билимли, етарлича тажрибага эга мутахассис бўлмоғи лозим.

Парвозим учун ҳамма шароитлар муҳайё. Сўзимнинг бошида айтганимдек, мўъжаз мактабим замонавий қиёфа касб этди. Унда ишлаш истаги туғилди. Педагогика коллежидан айнан мен истагандек касб эгаси бўлиш учун имкониятлар яратилган. Мен учун битта вазифа қоляпти. Бу ҳам бўлса, фақат ўқиш ва ўрганиш.

Маъруф САЛИМОВ,  
Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси



Тасвирий санъат фани ўқитувчиси бўлганлигим сабабли, илгари ота-оналарнинг ўз фарзандига “Расмдан ҳам тўрт оласанми?” қабилида дашном берганликларини кўп эшитар эдим. Иш фаолиятим давомида баъзида ўқувчи-ёшлар ва айниқса, ота-оналарнинг тасвирий санъат дарсларига менсимай қараганлигининг гувоҳи бўлардим.

Ана шундай эътиборсизлик натижасини бир воқеа ми-солида ҳам кўрганман. Ўтган асрнинг 80-йилларида бир гуруҳ тенгдошлар — турли олий ўқув юртлари талабалари Ўзбекистон рассомларининг Марказий кўرғазмалар зали-да замонавий, бадий кўрғазмани томоша қилгани бор-ганмиз.

Маҳобатли ва гавжум залга кирдик. Кўрғазмага юзлаб асарлар қўйилган эди. Лекин ҳамроҳларимга бутун икки қаватли залдаги ана шу асарларни «томоша қилиши» учун 5—6 дақиқа кифоя қилди. Таассуфки, уларнинг ҳам-маси эртага олий маълумотли, зиёли деган рутбани ола-диган ўқимишли йигитлар эди.

Мен бошқалар нарида тур-син, зиёли йигитлар ўртасида тасвирий санъатга бундай эътиборсизликни умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фани ўқитувчиларининг етишмаганлиги, кўпгина ҳол-ларда дарсларни тўғри келган одам ўтганлиги билан изоҳлар эдим. Олдинлари мактаблар-да тасвирий санъат тарихи, расм чизиш услубиятлари, қонун-қоидалари, назарий маълумотлар ва уларни амал-лий машғулотларда қўллаш масалаларига деярли амал қилинмас эди. Бундан ташқари, расм дарсларининг олди-га қўйилган мақсад ва вази-фалар фақат расм чизишни ўргатишдан иборат эмас, бал-ки болаларга бадий таълим ва тарбия бериш, уларнинг бадий дидини шакллантириш лозимлиги гўё унутилганди. Уша пайтда тасвирий санъат-га ихтисослашган махсус ўқув даргоҳлари ҳам кам эди.

Ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, миллий санъатимиз, буюк қадриятларимиз билан фахрланиш туйғусининг шак-лланиши таълим муассасала-рида айнан тасвирий санъат дарсларининг ўтилиши сифати-га ҳам боғлиқлигини таъкид-

**Qaror va ijro**

малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътибор кучай-ди.

Бугун мамлакатимизда тас-вирий санъатдан таълим бе-ришга ихтисослашган кўплаб олий, ўрта махсус ўқув юртла-ри ва мактаб-интернатлар фа-олият юритмоқда. Ўзбекистон Бадий академияси Камолид-дин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн инс-титуту, Республика рассомлик коллежи, Республика дизайн коллежи, тасвирий санъатга ихтисослашган кўплаб мактаб-интернатлар шулар жумласи-



# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ:

## ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

лаш жоиз. Ана шуни назарда тутган ҳолда, бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизими-да ёш авлод билимини оши-ришга қаратилган кенг қам-ровли ислохотлар ўтказилмоқ-да. Хусусан, умумий ўрта таъ-лим мактабларидаги барча ўқув фанлари қатори «Умумтаълим мактабларида тасвирий санъ-ат таълими концепцияси» қабул қилинди. Уларда ёшлар тарбиясини замонавий талаб-лардан келиб чиққан ҳолда миллий маданият ва санъати-миз аънаналари асосида олиб бориш, ёш авлодда юксак ба-дий дид ва маданиятни шакллантириш билан боғлиқ муҳим ва долзарб масалалар ўз ифодасини топган. Бунинг натижасида бошқа фанлар қатори тасвирий санъат дар-сларига ҳам эътибор ва талаб ортиб бормоқда. Соҳа учун

дандир. Айни пайтда, кўплаб университетларда, жумладан, мен фаолият юритаётган Қарши давлат университетида минглаб ёшлар тасвирий санъ-атдан таълим олмоқда.

Миллий маънавиятимиз ри-вожини тасвирий санъат наму-наларисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Ўзбек рас-сомларининг кейинги йиллар-да самарали ижод қилиб, янги-янги ютуқларни қўлга кирита-ётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб кела-ётгани унинг равнақи ва ис-тиқболдан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мод-дий-техник базасини мустаҳ-камлаш ва уларнинг фаолият-ини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжал-

ланган Давлат дастури тўғри-сида»ги қарори ушбу йўна-лишдаги таълим даргоҳлари ишини янги босқичга кўтариш-да катта омил бўлмоқда.

Юртимизда қад ростлаётган болалар мусиқа ва санъат таъ-лим даргоҳлари, муҳташам га-лерейалар, бадий кўрғазма заллари, маданият ва санъат қошоналари ёш авлоднинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан баҳра-манд бўлиши, ушбу йўналиш-да пухта таълим-тарбия оли-ши, иқтидорини намоён эти-шида муҳим омил бўлмоқда.

Миллий маданият ва санъ-атни янада ривожлантиришга йўналтирилган турли маданий-маърифий лойиҳаларнинг аъ-навий тарзда ўтказилиши ис-теъдод соҳибларини аниқлаш, улар ижодини республика ва халқаро миқёсда тарғиб этиш,

маданият ва санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари рағбатлантириш каби олижа-ноб мақсадларга хизмат қил-моқда.

Илгари ўзбек ёшларининг халқаро кўрғазмаларда ўз ижо-дий ишлари билан иштирок этиши ва совринли ўринлар-ни эгаллаши ушалмас орзу эди. Энди кўплаб ижодкор ёшларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар, ижодий фес-тиваллар ва кўрғазмаларда му-ваффақиятли иштирок этаётир.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар нафа-қат тасвирий санъат таълими-ни муттасил ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, балки ёш авлодни миллий ва жаҳон тасвирий санъат асар-лари намуналаридан кенг баҳ-раманд этиш, ўғил-қизларнинг бадий диди ва савиясини юк-салтиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

**Нурман БЕРДИЕВ,**  
Қарши давлат  
университети ўқитувчиси,  
Ўзбекистон Бадий  
академияси Бадий  
ижодкорлар уюшмаси  
аъзоси

# PIFAGOR SONLARINI TOPISHNING YANA BIR USULI

*Sinab ko'ring*

Pifagor eramizdan oldingi VI asrning ikkinchi yarmida Egey dengizdagi Samos orolida tug'ilgan. Keyinchalik u Italiyadagi Kroton shahrida yashagan va fanda o'z maktabiga asos solgan. Pifagor maktabi geometriyaning fan sifatida shakllanishiga katta hissa qo'shgan. Uning to'g'ri burchakli uchburchak uchun yaratgan teoremasi asrlar osha o'z ahamiyatini yo'qotmay kelmoqda.

Pifagor shogirdlariga: “Har qanday sonning o'ziga yarasha ajoyibligi bor”, deb aytgan ekan. Shunda shogirdlaridan biri: “Bo'lmasa ayting-chi, 17 tub sonining qanday ajoyibligi bor?”, deb so'rabdi. Pifagorning javobi quyidagicha bo'lgan: “17 juda ham ajoyib son. U ikkita kvadrat va ikkita to'rtinchi darajalarning yig'indisidan iborat: 17=1<sup>2</sup>+4<sup>2</sup>=1<sup>4</sup>+2<sup>4</sup>”. Quyida Pifagor sonlarini topishning yana bir formulasi bilan sizlarni tanishtirmoqchimiz. Bu usul o'z tajribalarimiz asosida keltirib chiqarilgan va darslarda bir necha bor sinab ko'rilgan.

To'g'ri burchakli uchburchakning katetlaridan biri a=n<sup>2</sup>-1 va gipotenuzasi c=n<sup>2</sup>+1 bo'lsin, u holda

ikkinchi kateti b= $\sqrt{c^2 - a^2} = \sqrt{(n^2 + 1)^2 - (n^2 - 1)^2}$  bo'ladi. Bu yerda n ≥ 2 sonlar uchun o'rinli. Mazkur formulaga asosan topilgan Pifagor sonlari takrorlanmasdir. Amaliy jihatdan to'g'ri burchakli uchburchakning katetlari va gipotenuzasi juft bo'lgan hollarda 2 ga bo'lish natijasida geometriyada eng ko'p ishlatiladigan Pifagor sonlari

hosil bo'ladi. Haqiqatan ham, n sonining turli qiymatlarida hosil bo'lgan a, b, c noma'lum sonlarning qiymatlari Pifagor sonlarining cheksiz ekanini bildiradi. Quyidagi jadvalda n 20gacha bo'lganda a, b, c noma'lum sonlarning qiymatlari berilgan.

	a	b	c	a <sub>1</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>
n=2	3	4	5			
n=3	8	6	10	4	3	5
n=4	15	8	17			
n=5	24	10	26	12	5	13
n=6	35	12	37			
n=7	48	14	50	24	7	25
n=8	63	16	65			
n=9	80	18	82	40	9	41
n=10	99	20	101			
n=11	120	22	122	60	11	62
n=12	143	24	145			
n=13	168	26	170	84	13	85

n=14	195	28	197			
n=15	224	30	226	112	15	113
n=16	255	32	257			
n=17	288	34	290	144	17	145
n=18	323	36	325			
n=19	360	38	362	180	19	181
n=20	399	40	401			

O'qituvchilar va o'quvchilarimiz ushbu jadvaldan masalalar yechishda foydalansalar, formulalarda n ning katta qiymatlari yordamida ulkan Pifagor sonlarini hosil qilishlari mumkin.

	a	b	c
n=100	9999	10001	200
n=1000	999999	1000001	2000

**Buvgilos ABДУQODIROVA,**  
Jizzax davlat pedagogika instituti  
qoshidagi Sayiljoy akademik litseyi oliy toifali  
matematika fani o'qituvchisi,  
Ahmadqul TILAGOV,  
Jizzax shahridagi 3-umumiy o'rta ta'lim maktabi  
oliy toifali matematika fani o'qituvchisi



Aks sado

"Ma'rifat" gazetasi 2010 yil 10 aprel sonida эълон қилинган Шаҳноза Акромованинг "Мультифильмлар болаларни фақат эзгуликка ундасин" мақоласи менда жуда катта таассурот қолдирди. "Фарб мультифильмларида персонажларнинг бир-бирига ваҳшиёна золимликлари қаҳрамонлик сифатида кўрсатилади", — дейди муаллиф. Яқинда содир бўлган бир воқеадан кейин бунга ўзим ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Тунда 12 ёшли ўғлимнинг овозидан чўчиб уйғондим. У тўшақда ўтирар, кўзларини катта-катта очиб, деразадан тушиб турган ой нурига қараб, бақирар эди: — Пика-пика-пикачу-у-у! — Ўғлим, сонга нима бўлди? — сўрадим секин ёнига ўтириб. У менга бир қараб қўйди-да, кимларгадир дўк ура бошлади: — Улар мени олиб кетгани келишди. Уларни ўлдирман. Кўриб кетиб, ўғлимни секин бағримга босдим. Унинг ҳарорати баланд эди... Тонг отгач, базўр кўзини очар экан, ўғлим боши оғриётганидан нолиди. Ҳароратини яна бир бор

тиб» ўтиришни афзал кўришди. Боласи эса уйда онасига халақит бермай (!!!) телевизор ёхуд компьютерга «мих»ланиб ўтиради. Айбни бировлардан эмас, ўзимиздан излаганимиз маъкул эмасми? Ўғлим билан содир бўлган воқеадан сўнг мен у севиб томоша қиладиган мультифильмларни кўриб чиқишга қарор қилдим. Улардаги бир нечта воқеалар ва кўрамонлар характери мени ҳайратта солди. Ўғлимнинг қизиқишларига беэйтибор бўлганим учун ўз-ўзимни қийин бошладим. Энг қизиғи, ақсарият мультифильмларида қиз бола қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши бир хил: улар бе-


Шоҳиста Самарова. — Мазкур икки жараён ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимиз нафақат билимли, балки ўз Ватанини сеувчи, маънавий жиҳатдан қамол топган, меҳрибон инсон бўлиб етишиши лозим.

Бола руҳияти жуда ҳам мураккаб кўринишга эга. Хорижий мультифильмларнинг бола руҳиятига, онгига салбий таъсир кўрсатиши биз учун янгилик эмас, аммо айрим ота-оналар «мультифильминг»ни кўр-да, менга халақит берма-деган тамойил бўйича иш кўришни афзал билади. Бола тарбиясига нисбатан лояқид муносабат салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Чунки, кичик организм барча ахборотни образлар орқали қабул қилади. Айнан ана шу образлар орқали ўз дунёсининг моделини ҳосил қилади.

Барчамизга таниш бўлган «Том ва Жерри» мультифильмини олайлик. Мушук Том сичқонча Жеррига ушлаш мақсадида, турли хил хийла-найранглардан фойдаланган ҳолда, уни қувиб юради. Сичқонча эса, назаримда, янглич аҳволдаги мушукдан қасос олиш йўлла-

МУЛЬТРИЛЬМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ўлчаб, тундаги муолажа қисман таъсир этганини пайқадим. Термометр 38°С ни кўрсатарди. — У кеча покемонлар ҳақида мультифильмларни кўрган эди, — деди қизим уксига эшиттириб, — кейин енгил кийимда балқонда ўтириб, икки соат компьютерда «Қон мамлақати»ни ўйнади. — Ўғлим, тунда кимлар билан жанжаллашдинг? Кимларнидир ўлдирмоқчи бўлдинг, эсингдами? — дедим мен ниҳоят тунги воқеани эслатишга жазм этиб. — Унчалик аниқ эслай олмайман, аммо жуда ҳам кўриничли тўш кўрдим, ашқим. Жуда ҳам кўриб кетдим. Тўшда ёвуз покемонлар мени ўзлари билан олиб кетмоқчи эди.



Афсуски, бугун болалар учун мўлжалланган Россия телеканаллари, хусусан «Jetix»да 24 соат мобайнида зўравонлиқни тарғиб этувчи мультифильмлар эфирга узатилмоқда. «World quest», «Покемон», «Эндига нима бўлди?», «Total spies», «Жодугарлар» каби мультифильмлар ана шулар жумласидан. Уларнинг баъзиларида суперқаҳрамонлар у ёки бу топшириқни бажариш жараёнида ўзга сайёралар билан курашса, бошқаларида, масалан, «Эндига нима бўлди?» мультифильмида Энди исмли бушқа қаҳрамон ўз дўстлари, ўқитувчиларини масҳаралаб юради.

Мультифильм — болалар учун мўлжалланган бадиий асардир. Аммо сўнгги пайтларда мультимедиянинг фарзандлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани ақсарият ота-оналарни жиддий хавотирга солмоқда.

Саодат Ашурова, муҳандис, 42 ёш:

— Хорижий мультифильмларни қатъий назорат остига олиш лозим. Кабелни узиб ташласанг ҳам, болалар турли хил видеоматериаллар, қолаверса, интернет орқали уларни томоша қилади. Бунинг олдини олиш учун юзгагина миллий қадриятларимиз сингдирилган, саҳийлик, эзгуликка ундовчи ўзимизнинг мультифильмларини ишлаб чиқаришга эътиборни қўйиштириш керак деб ўйлайман.

Туроб Жамолов, 65 ёш:

— Кўпгина уй бекалари фарзандлари нима билан шуғулланаётганини назорат қилиш, уларга вақт ажратиб ўрнига, кўчада қўшиллар билан соатлаб гап «со-

жиримгина бурун, шахло кўз ва гўнча лаблар, келишган қадди-қоматга эга бўлиб, даярли барчаси яримланган ҳолда тасвирланган. Буни қарангки, қиз бола қаҳрамонлар яқна кураш турларидан моҳирона фойдаланиб, мақсадга эришиши йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Ақсарият ҳолларда эркак қаҳрамонларнинг ўта хунук қилиб ишланганига ғувоҳ бўлдим («Симпсонлар»). Заифлар устидан кулиш ва дўстларини масҳара қилиш — уларнинг энг сеvimли машғулотларидан бири («Эндига нима бўлди?»). Эгулик учун курашаётган ижобий қаҳрамонлар эса номасъул хайвонлар кўринишида («Team Galaxy», «World quest»). Узаро суҳбатда қаҳрамонларнинг даярли барчаси беҳаё сўзлардан фойдаланади.

— Боланинг шахс сифатида шаклланишида унинг ижтимоийлашуви, яъни тарбия ва таълим жараёни муҳим ўрин тутади, — дейди психология фанлари номзоди

Фарзандингизга хорижий мультифильмлари томоша қилишга рухсат беришдан олдин қуйидаги савол ҳақида ўйлаб кўринг. Фарзандингиз вояга етгач, юқорида қайд этиб ўтилган мультифильм қаҳрамонларига ўхшашни хоҳлайсизми? Агар мазкур саволга «йўқ» деб жавоб берсангиз, бизни огоҳликка ундаётган мақола ва кўрсатувлардан керакли хулоса чиқаринг. Болаларингиз томоша қилаётган мультифильмларга бепарқ бўлманг. Уйкуси олдидаан болаонингизни руҳан соғлом, ақли, баркамол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилиши мумкин бўлган бирор эртақ айтиш ва унга хайрли тун тилаш кўп вақт талаб қилмайди, шундақ эмасми?

Наргис ҚОСИМОВА, журналист

ҚУПОҚДАГИ РЕКЛАМА «ШОВҚИН»И

Siz nima deysiz?

Биз уни транспорт воситалари, турар жой эшиклари ҳамда йўлларнинг қатнов қисмида кўришга одатланиб қолганмиз. Радио ва телевизор дастурлари, газета саҳифаларини эса умуман усиз тасаввур қилиш қийин. «Телефонингга юклаб ол», «Синиб қолдингми? Демак, оч қолдинг!», «Нескафе — учтаси бирда» каби иборалар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб қолди. Ақсиячиларнинг танқид «тош»лари учун тез-тез нишон бўлаётган рекламалар транспортда ҳаракатланиш ёки уни бекатда кутиш жараёнига мазмунлироқ, қизиқарлироқ тус бериши мумкин.

Америкаликларнинг «бекинмачок» уйини

«Реклама, — дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунида, — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиши мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир».

Ишонмаслигингиз мумкин, лекин замонавий инсон бир кун давомида камида 1-2 соат вақтини рекламаларни тинглаш, томоша қилиш ва ўқишга сарфлайди. Бировларнинг моддий даромади эвазига зарар кўрмайлигимиз, деган савол турғилиши табиий.

Ахборотнинг дунёдаги ҳукмронлиги бугун бошлангани йўқ. Бу жараён узоқ ўтмишдан буён давом этиб келмоқда. Биз ахборотнинг нақадар катта кучга эга эканлиги, имкониятлар қўлланини аниқлаш билан шугулланамиз. Кун буйи тўртбурчак «мўжиза» қаршисидан кета олмайдиган болакай ўзи билмаган ҳолда унинг «тарбияси»ни олади.


Одатий кунларнинг бирида ўзгача заъв ва иштиёқ билан тишини тозалаётган 5 яшар жиянимни кўриб, очиги ажабландим. Негаки, холам уни тиз у ёқда турсин, баъзан кўл ювишга ҳам мажбур қила олмас эди. Ботир даярли ҳар сонияда ойнадаги аксига қарар, 18тадан кўп бўлмаган тишларни кўз-кўз қилиб, жилмаяр эди. Кейин билсам, болакай, онаси унга рекламаларда «Colgate» тиш пастасини олиб бергачи, ушбу «мурат» машғулоти ҳақиқати икки маҳал бажаришга рози бўлибди.

«Рекламалашган» ҳаёт

«Чанқорингга ишон! Ўзинг ҳал қил!», «Сиз энг яхшисига лойиқсиз» каби хитоблар жанраниг остида моддий тушунчалар маънавий қадриятлардан устунроқ, деган хулосага келиш ортуқча мулоҳазаларни талаб қилмайди. Ҳатто катталар ҳам рекламалардан иборат «гузал ҳаёт»ни ҳақиқийси билан адаштириб юбориши мумкин. Бугунги кун билан яшаш, «Мен ҳамма нарсага қодирман» тамойилига амал қилишнинг нимаси ёмон, деб ўйларсиз, балки, Лекин вақти келиб телевизор экрани, у билан бирга «ранг-баранг олам» ҳам чилларчин бўлмаслигига ким қафолат беради?

Томоша қил ва амалда синаб кўр

Продакт-плейсмент — маҳсулот ёки хизматлар тўғрисида ахборот беришчи рекламанинг кино ёки бошқа кўнглинлар дастур сюжетига киритилиши оқибатида томошабинларда ана шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Рекламанинг инсонни бошқара олиш кучи устида иш олиб бораётган



Биз «рекламалашган» турмуш тарзига шу қадар кўникиб қолдикки, ТВ орқали номи анграммаган маҳсулотларга шубҳа билан қарай бошладик. Ўзига хос дид билан ишланган, эътиборни бир қарашда жалб этувчи ранг-баранг рекламалар одамни кувонтиради, кайфиятни кўтарди ва... ҳаётдаги муаммоларни қарашда бошдаги қазғоқлар, уйқусизлик ҳамда хуснбузарлардан иборат, деган тасаввурни пайдо қилади. Шунинг учун ҳам Калифорния университетини профессорси Г.Шиллер рекламани воқеликнинг сохта кўринишига қийслаган эди.

Тақ-тақ ва хо-ходан сақланг!

Миллий каналларимиз орқали берилаётган рекламаларни кузатар экансиз, ўзингизни дорихона ёки алоқа компанияси идорасида ҳис қилишингиз аниқ. Айрим рекламаларнинг товуши оддий дастурларникига қараганда баландроқ, «Энг сара хитлар энди сеннинг мобил телефонингга!», деб бақиради экран ортидаги овоз. Шусиз ҳам кўл телефонлари домига илбик қолаётган ёшлар учун бундай рекламалар айни муддао.

Баъзан ишдан келиб, маънавий хордиқ чиқариш мақсадида телевизор пультаини қўлингизга оласиз. У ерда эса рингтонлар, хитлар, ўйинлар... Рекламалардаги айрим «шиор»ларни эшитиб, қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай, галати аҳволга тушасиз. 2007-2008 йиллар телевидениесидаги ҳолатни баҳолар экан, мутахассислар «реклама шовқини» деган атамини тез-тез қўллай бошлагани бежиз эмас.

«Ринза болажон — сеvimли фарзандингиз учун». Сизни билмадим-ку, менга бу гап унчалик ёқмади. «Сеvimли фарзандингиз доим касал бўлину, сиз унга мана шу дорини олиб беринг!» деб тушуниш керакми бунга? «Простамол-УНО вақти келди», «Шамоллаш, грип... Яна кўп дориларни сотиб олишим керак». Тез орада рекламалар тўфайли шифокорларга эҳтиёж ҳам қолмайди, шекилли. Тўғри-да, бел органдарга, «Фастум-гель», бошингиз «ёрилай» деб, «тақ-тақ», «хо-хо» ва

шунга ўхшаш овозлар сизни безовта қилса, «Тримол», мабодо тумовдан азият чексангиз, яна минг хил дорини сизга мунтазир. Фақат... бу дориларни фарзандларингизнинг қўли етмайдиган жойда сақлашни унутманг. Телевизор пультаини ҳам, агар имкон топсангиз.

Газеталарнинг бирида ош тузи рекламасига кўзим тушди. «Соғлом маҳсулотлар», дея қайд қилинган эди саҳифанинг пастки қисмида. Менда озиқ-овқатлар ҳам вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туриши керак, деган тасаввур пайдо бўлишига бир баҳа қолди.

Хулоса сиздан

Уйингизда телевизор бор экан, фарзандларингизни уни кўришдан маҳрум қила олмайсиз. Улар эса катталарни ўзидан кўра ақилроқ, билимлироқ санайди. Жамма ишда уларга тақдид қилади. Рекламаларда «Тамом! Кема чўкди», ибораси бир умрга болажонларнинг миёсига муҳрланиб қолиши мумкин. Харфларни энди таниётган мактаб ўқувчилари транспорт воситалари ва кўчалардаги реклама ва эълонларни хиҷжаллаб ўқиб, ҳар бир харфга, ҳар бир сўзга беғубор нигоҳлар ва ишонч тўла кўзлар билан қаради. Бизнинг бурчимиз — мана шу ишончини оқлаш.

Висола ҚАРШИБОВЕВА, «Ma'rifat» муҳбири

Гётенинг бир гапи бор: «Кўп билган одам эмас, ўзини ўзи билган ақллидир». Шу ўринда, А.Ғалифаксининг «Ақд етишмайдиган жойда ҳамма нарса етишмайди», — деган фикрини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Маънавийлик — тақдирнинг соваси эмаслиги ҳам барчага маълум. Бу жараён инсондан тинимсиз ўқиб изланиш ва меҳнатни талаб этади. Аммо шунга ҳам эътироф этиш керакки, юксак маънавиятга эга бўлиш инсоннинг ички кечинмаларига ҳамда характерига ҳам боғлиқдир.

Психологлар шахсий хусусиятларнинг бу кўринишини темперамент деб атайдилар. Бу ўринда темперамент ва инсон фаолиятининг яхши ёки ёмон ҳатти-ҳаракатининг асосий мезони бўлган характер ўртасидаги нозик фарқни англаб олишимиз керакки, ана шу мақсадда психолог хузурига бўлдиқ.

СИЗ ҚАНДАЙ ТЕМПЕРАМЕНТ ЭГАСИСИЗ? Ютуқлар ўз қўлингизда

Турга бўлгани маълум. Бунда биринчи гуруҳ *меланхоликлар* бўлиб, уларга асаб тизимлари заиф, тездара ранжийдиган, таъсирчан, янги шайроитга секин кўникадиган, бир қарорга келишлари ўта мушкул бўлган шахслар, дея таъриф беришар. Кўпинча уларнинг овозлари паст чиқади, ҳаётда арзимас муваффақиятсизликка учрасалар ҳам тез тушунликка тушадилар. *Меланхоликлар* гарчи мақсад сари интисаларда, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни енгишга иродалари етмаслигини билсалар мақсадларидан осонликча воз кечишлари мумкин. Кундалик ҳаётда меланхоликлар ҳар нарсага эътиборли ва эҳтиёткор бўлишади. Таваккал қилишни ёқтиришмайди. Шунинг учун ҳам улар камдан-кам хавф-хатарга учрайдилар. Шу билан бирга меланхоликлар гўзалликка интилувчан, истеъодли, ижодкор гуруҳ вакилларидир. Кўпгина буюк ёзувчи, шoir, мусиқачиларнинг темпераменти айнан мана шу гуруҳга мансуб эканлиги тадқиқотлар натижасида айтиб ўтилган.

*Холерикалар* жуда фаол. Кўпинча уларнинг ҳаракатлари ва сўзларида кескинликни кўриш мумкин. Улар кутишни ёмон кўрадилар. *Холерикалар* олмасдан олиб қўядиган, гапирмасдан бақирадилар, юрмасдан югурадиганлар тоифасига киради. Гоҳида хушчақчақ ва дилкаш суҳбатдош, гоҳида эса сержаҳд ва асабий ҳолатда бўладилар. Улардан яхши қизиқарли фикрлар чиқади, лекин бу фикрларини ҳаётга татбиқ қилиш учун уларга сабр-тоқат етишмаслиги тадқиқотларда ўз аксини топган.

Манбаларда *сангвиникларнинг* холерикаларга ўхшаб мустаҳкам асаб тизимига эга, лекин уларга нисбатан ваэмин темперамент вакиллари эканлиги қайд этилади. Сангвиниклар ўз ҳис-ҳаяжонларини жиловлашни ҳам, ортиқча асабийлаш-

масликни ҳам яхши удралайди. Уларни янги шароитга тез кўникадиган, одамлар билан дарҳол тил топишиб кетадиган, таваккал қилишни яхши кўрадиган инсонлар, дейиш мумкин. Нутқлари тез, овозлари баланд бўлади. Шу билан бирга улар нимика ва имо-ишоралар билан гапирари. Сангвиникларнинг дидлари ҳамда қизиқишлари тез-тез ўзгариб туради. Бир иш билан узоқ шуғулланса, бу ишдан тез зерикади ва ўзига бошқа машғурлот топишга ҳаракат қилади.

Психологик тадқиқотларда *флегматик* темперамент эгаларининг яхши хусусиятларидан бири кута олишларида намоён бўлади, деб эътироф этилган. Қолаверса, улар хотиржам, оғир-босиқ ва унча-мунчага пинакларини ҳам бузмайди. Ҳаракатлари секин, нутқлари раво бўлади. Ҳар қандай муваффақиятсизлик уларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилмайди. Флегматиклар жуда ёмон шароитларда ҳам узоқ ва тиришқоқлик билан ишлашлари мумкин. Янги шароитларга секин кўникадилар, шунинг учун ўзгаришларни ёмон кўришади. Шунга ҳам айтиш лозимки, кўпчилик одамларда бир тип темперамент аломатлари иккинчи бир тип аломатлари билан қўшилган бўлади. Уларнинг орасида қай бири кучлилик қилса одам ана шу темпераментга эга бўлади.

Инсон характерининг мослашувчанлик жиҳатлари мавжуд. Аммо одам темпераментининг барча хусусиятлари албатта нерв системасининг тузилиш хусусиятлари билан қатъий равишда белгиланади. Катта ҳаёт остонасида турган ёшлар ҳали охиригача ижтимоийлашмаган кишилардир. Уларнинг юксак маънавиятли, баркамол, меҳнатсевар, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган инсон бўлиб етишишида руҳий ва маънавий тарбиянинг беқиёс ўрни бор.

Демоқчи бўлганимиз, инсон ўзини ўзи ёмонликлардан қайтара олиши ёки атрофидаги яхши инсонлар, устозларнинг насиҳатларини онгига сингдириб, турри йўлни топа билиши ҳамда жамиятга қандай ўрин эгаллаши инсоннинг ўз интилиши, хоҳиш-иродаси ва сабр-матонатига боғлиқ. Ҳар бир темпераментда инсоннинг муваффақиятга ва бахт-саодатга эришиши учун етарли, имконият ва иштидор мавжуд. Бунга ҳар бир ёш ёлда тутмоғи лозим.

Анвар ҚОБИЛОВ ёзиб олди.



# ОИЛА — МЕХР МАСКАНИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурдаги Васийлик ва ҳомийлик органига кичик жуссали, одмигина кийинган, юзларида ҳорғинлик сезилиб турган аёл ийманиб кириб келди. Унинг кўзларидаги ташвиш шундоққина кўри-ниб турарди.

— Синглимининг вафоти бизни анчагина саросимага солиб қўйди, — тортинчоқлик билан, паст овозда гап бошлади аёл. — Синглим турмуш ўртоғидан ажралгач, ўгли Музаффар билан менинг хонадонимда яшардилар. Бизнинг оила ҳам кичик эмас, 5 нафар фарзандим бор, уларнинг қўлидан ҳали иш келмайди. Турмуш ўртоғим 1-гурӯх ногирони. Мени ташвишга солаётган нарса шуки, энди онасиз Музаффарга етарлича тарбия ва таъминот бера оламанми? У менинг жигарим, фарзандларим қаторида бўлаверади, лекин менинг имкониятларим унинг эҳтиёжларини тўла қондира оладими? Бола бирор Мехрибонлик уйига жойланса, келажаги бутунроқ бўладими, деб ўйлагандим...

Васийлик органи саъй-ҳаракатлари билан бола Мехрибонлик уйига жойлаштирилди. Орадан йиллар ўтиб, Музаффар 9-синфни тугатди. Кейинги

ҳаётини тиббиёт билан боғлашга жазм қилди. Онасининг бепарво бўлгани, лекин дардидан халос қилиш имкони бўлмагани уни шундай қарор қилишга ундаган бўлса керак. Кимё, биология фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган муассасада ўқишни давом эттирди.

Кунлардан бирида худди шу Васийлик ва ҳомийлик органига яна бир аёл мурожаат қилди. Унинг 16 ёшли ягона фарзанди автоҳалокатда ҳаётдан кўз юмган экан. Ўзини, оиласини фарзандсиз тасаввур қила олмаётганини кўзида жиққа ёш билан ҳикоя қилди.

Мутахассислар аёлни Мехрибонлик уйига таклиф қилди. Йўл-йўлакай унга фарзандликка олиш бўйича қонунларда белгиланган тартиб ҳақида ташунача бериб борилди. Муассасадаги жажжи кичкинтойлару бўй чўзган йигит-қизларни кўриб, аёлнинг беихтиёр болаларга меҳри товланди.

Фарзандликка берилиши

тавсия этилаётган иккала болакай аёл томонидан зимдан кузатилди. Уларнинг хатти-ҳаракатидаги оғир-босиқлик, камгаплик, бироз бўлса-да атрофдагиларга бепарқлик аёлни ўйлантириб қўйди. «Уларга ҳаёт завқини бера оламанми, уларга ҳақиқий она бўла оламанми?» деган гумонлар билан у бир қарорга кела олмади.

Мехрибонлик уйи меҳмонлари сафари якунига етди. Қайтишда бир зум Музаффардан хабар олишни режа қилишди. Ҳаётда бағрикенг, меҳр-оқибатли инсонлар кўп. Танлаган йўналиши бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги устози Музаффарга биология фани сирларини сингдира борди. Устоз-шогирд суҳбати устидан чиққан меҳмонлар уларнинг суҳбатига қўшилдилар. Музаффар ўқиши натижаларидан, устози бераётган билим даражасидан хурсандлигини билдирди.

Аёлнинг юраги «жиз» этди. «Ўғлимга ўхшайди, менга ўғил бўлармикан, мени ОНА деб қабул қила олармикан?», — кўнглидан ўтказарди аёл. Интернатга кейинги ташрифида аёл Музаффар билан узоқ гаплаш-



Siz oilaga mas'ulsiz

ди. Ҳужжатлар расмийлаштирилди, оналик ва болалик қонуний белгиланди. Музаффар ҳаётида янги давр бошланди. Энди у ўз уйида, онаси билан яшайди. Қандай яхши-я!

...Ўтган йили Музаффар тиббиёт институтини тугатди. Магистратурада ўқишни давом эттиряпти. Бу орада у ўз жуфти-ҳалолани топди, фарзанд кўрди.

— Мехрибонлик уйидаги, ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги устозларимни миннатдорчилик билан эслаيمان, — дейди Музаффар. — У ерда интизомли бўлишни ўргандим. Лекин мендаги озми-кўпми қобилият, имкони-

ятларим оилага қайтганимдан кейин кўпроқ рўёбга чиқа бошлади.

Халқимиз — болажон эл. Оғир вазиятга тушиб қолган боллага ҳар бир оилада бир тўғрам нон, жой, энг асосийси, икки оғиз ширин сўз доимо топилади.

Тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётган, инсон манфаати биринчи даражага олиб чиқилган диёримизда фарзандлар ҳамisha адрогимизда бўлсин.

**А.МАХСУДОВ,**  
Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси,  
**О.СИДДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли, 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарорлари асосида Олий ва ўрта махсус,

Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2010» Республика танловини

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда республика олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаб педагоглари, илмий тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари, муаллиф ёки муаллифлар жамоаси (шу жумладан, ижодий гуруҳлар) нашр этилган дарслик ва ўқув адабиётлари (ўқув қўлланма, электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, изоҳли луғатлар) билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим турлари учун қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
2. Математика ва табиий-илмий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
3. Умумқасбий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
4. Мутахассислик (йўналиш) фанлари бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
5. Ахборот-коммуникация технологияларини амалиёт ва ўқув жараёнига татбиқ этишга хизмат қиладиган энг яхши электрон дарслик ва ўқув қўлланма.
6. Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришга ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
8. Узвийлик ва узлуксизлик таълим жараёнини шакллантирувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
9. Касбий кўникма ва замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишга хизмат қилувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
10. Барча фанлар бўйича дидактик материаллар (луғат, изоҳли луғат ва ҳ.к.) ҳамда ўқув-услубий мажмуа яратишга хизмат қилувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.

Танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари имзолаган йўлланма хати ва Илмий (педагогик) кенгаши қароридан кўчирма;
- танловда қатнашувчи муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи, лавозими, ўқув адабиётининг номи кўрсатилган маълумотнома;
- муаллиф(лар) паспортдан нусха;
- тақдим этилаётган адабиёт (2 нусхада) ва мазкур адабиёт бўйича фан дастури;
- Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан адабиётни нашр этишга берилган гувоҳнома ва буйруқ нусхасидан кўчирма;
- адабиёт бўйича олинган тақризлар;
- Давлат Патент идорасида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (электрон нашрлар учун);
- танловда қатнашаётган адабиётлар учун жилдли ҳужжатларнинг рўйхати (реестри).

Танлов шартлари бўйича эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида (25 июлдан кечикмай) ҳужжатлар белгиланган тартибда тақдим этилади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган ҳамда аввалги танловларда қатнашган адабиётлар танловга қабул қилинмайди.

Сўнгги уч йил оралиғида нашр этилган, таълим жараёнида камида бир йил синовдан ўтган адабиётлар танловда қатнашишга ҳақли.

Номинациялар (1та ўрин) бўйича ғолибларни тақдирлаш шартлари:

- 1-мукофот: I даражали диплом ва пул мукофоти.
- 2-мукофот: II даражали диплом ва пул мукофоти.
- 3-мукофот: III даражали диплом ва пул мукофоти.

Танлов ғолибларининг дарсликлари 2- ва ундан кейинги нашрдан чиққан тақдирда, ўрнатилган тартибда илмий унвон ва илмий даражалар олишга даъвогар бўлиши мумкин. Танловга қабул қилинган адабиётлар рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2010» Республика танловининг Низоми билан олий таълим муассасасининг электрон почтаси ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш Марказида танилиши мумкин.

Танловга тақдим этилган материаллар ва тақризлар қайтарилмайди.

Манзил: Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 42-уй. Тел: 233-34-22, факс 233-34-02

**ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАР  
ҲАМДА ҚАР ВА ЗАИФ  
ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР  
МАКТАБЛАРИ УҚУВЧИЛАРИ  
УЧУН ДАРСЛИКЛАР ВА  
УҚУВ ҚўПЛАНМАЛАРИНИ  
НАШР ЭТИШ ЮЗАСИДАН  
ТАНЛОВЛАРГА ТАКЛИФЛАР  
БЕРИШ МУДДАТИНИНГ  
УЗАЙТИРИЛИШИ  
ҲАҚИДА**

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 27 мартдаги «Ma'rifat» газетасининг 24-сонидан ва 2010 йил 31 мартдаги 25-сонидан 2010—2011 ўқув йилига ёрдамчи мактаблар ҳамда қар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари ўқувчилари учун дарсликларни нашр этиш юзасидан танлов савдоларига таклифлар бериш муддати **2010 йил 7 май соат 14:00** гача узайтирилади.

Танлов таклифлари 2010 йил 7 май куни соат 15:00да Халқ таълими вазирлигида (манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ  
УҚУВЧИЛАРИ УЧУН  
ДАРСЛИКЛАР ВА УҚУВ  
ҚўПЛАНМАЛАРИНИ ҚАЙТА  
НАШР ЭТИШ ЮЗАСИДАН  
ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА  
ТАКЛИФЛАР БЕРИШ  
МУДДАТИНИНГ  
УЗАЙТИРИЛИШИ  
ҲАҚИДА**

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 21 апрелда «Ma'rifat» газетасининг 31-сонидан 2010—2011 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Тендер савдоларига таклифлар бериш муддати **2010 йил 4 май соат 14:00** гача узайтирилади.

Тендер таклифлари 2010 йил 4 май куни соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.



Бугун таълим тизимида мактаб амалиётчи психологининг роли тобора ошиб бормоқда. Ушбу ўқув муассасаси руҳшуносидан кенг ва чуқур назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлишни тақозо этади, унинг ўқувчилар жамоасига дадил кириб боришига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан, мактаб руҳшуносларининг касбий маҳорати-ни ошириш, илмий дунёқарашини янада кенгайтириш ва психологик билимларни тарғиб қилишларига кўмаклашиш мақсадида қуйидаги кизиқарли маълумотлардан уларни хабардор қилишни лозим топдик. Бу маълумотлар уларнинг серқирра фаолиятида у ёки бу босқичда ўз ўрнида керак бўлиши шубҳасиз.

### Ижод психологиясидан хабарингиз борми?

Юқори синф ўқувчиларига психологиянинг 360дан зиёд соҳалари ҳақида маълумот бериб, шулар ичида ижод психологияси алоҳида аҳамият касб этиши ҳақида сўзлаб бериш мумкин. Ижод психологияси у ёки бу ёзувчи ва шоир ижодини тадқиқ қилар экан, унинг тажрибахонасига чуқур кириб боради. Лекин ўқувчини баъзан асарнинг

ди. Шунингдек, улар билан кўпроқ меҳмонга бориш керак. Флегматик болаларни чаққон болалар билан ўртоқ тутинишга ундаш лозим. Чаққон бола ва флегматик боланинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги флегматик болани чаққон бола билан тенглашишга ундайди.

### Библиопсихология ҳақида эшитганмисиз?

Бу атама икки — «библиология» ва «психология» сўзларнинг қўшилишидан

Асаб тизими кучсиз бўлган инсонлар эса мазмунли материални эслаб қолишда биринчилар қаторидан ўрин олишди.

Америкадаги Беркли шаҳри университети тадқиқотчилари инсоннинг ётган ҳолда эслаб қолиш жараёни самарали кечади, деган хулосага келдилар. Бунинг сабаби шуки, мазкур ҳолатда мия қонга яхши тўйинади. Агар бирор-бир нарсани тез ёдлаш зарур бўлиб қолса, ўқувчиларингизга горизонтал ҳолатга киришни, лекин ухлаб қолмасликни тавсия қилсангиз бўлади. Албатта, дарсда эмас.

### Болалар билан қандай гаплашиш керак?

Англияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кичик болалар билан муомала қилишда нутқнинг муайян тезлигига қатъий амал қилиш керак. Кенг тарқалган фикрларга қарама-қарши тарзда шу нарса аниқ бўлдики, болалар улар билан секин эмас, тез ва ра-

### О'қитувчига yordam

халос қилишнинг антиқа йўлини излаб топди. У барча азият чекувчиларга ўз шикоятларини хат орқали унга батафсил баён қилиб ёзишларини таклиф этди. Бу билан беморлар ўз дардларини унга тўкиб солиш имкониятига эга бўлдилар.

Бир неча вақтдан кейин психологлар йиғилишида Лифсендан унинг олдинги илмий муҳолифи тўсатдан кечирим сўради. Муҳолиф Лифсенга унинг ихтиросига қарши норозилик мактуби юборган эди.

— Кечирим сўраб юрманг, касбдош, — деди Лифсен очик кўнгиллик билан, — мен бу хатларнинг биронтасини ҳам мутлақо ўқимайман.

### Топқир психолог

Океан орти коллежларида психологик хизмат 1700 йилдан ташкил этил-

# НОТАНИШ ВАЗИЯТ

бунда психологлар топқирлиги ва тажрибаси қўл келади

яратилиш тарихи ёки ғоявий мазмуни эмас, балки адабнинг шахси қизиқтириб қўяди. Бу хусусият кўпинча ижодкорлик қобилиятига эга ўқувчи иштирокида содир бўлади. «Характер» юнунча сўз бўлиб, муҳр, тамға, хусусият маъноларини билдиради. Бу ҳолда ўқувчиларга баъзи маълумотларни тақдим қилишингиз мумкин.

Француз ёзувчиси Вольтер бир вақтнинг ўзида бир нечта асарни ёзган. Ёзганларининг ҳаммаси столда бетартиб ҳолда сочилиб ётган. Иш столи ёнига ўтирар экан, у нима ёзишни ҳеч қачон билмаган. Кайфияти, илҳом келишига қараб бошлаб қўйган қўл ёзмадини, романми, драма ёки достонми, олиб шартта ёзиб кетаверган.

Забардаст олмон драматурги ва ёзувчиси Фридрих Шиллер доимо оёқларини совуқ сувга ботириб ижод қилган.

Ўқувчиларга бу ҳар бир ёзувчининг индивидуал психологик хусусияти, яъни феъл-атвори, характери эканлиги, уларга кўр-кўрона болаларча тақлид қилмаслик кераклиги тушунтирилади.

Психология фани характерни ўз ўзини тарбиялаш йўли билан ўзгартириш мумкин, деб ҳисоблайди.

### Флегматик болаларга ёндашув

Бу мижозга мансуб болалар оғир, вазмин, бефарқ, секин ҳаракат қилувчи бўлиб, суст ва тўхтаб-тўхтаб гапиришади. Улар ҳар кунги доимий шароитдагина ўзларини эркин ҳис қиладилар. Бундай ўқувчи бўшанг, камҳаракат бўлиш билан бирга виждонли, синчков, пухта, тоза-озода, кунтли, масъулиятли ҳамдир.

Болани тез ҳаракат қилдиришга машқлар орқали эришиш мумкин. Мустақил равишда бунга эришиш қийин. Уйда ота-она, мактабда психолог бола билан шуғулланиши лозим. Аввалига бола машғул бўлиб турган юмушни охирига етказгач, кўнгирок ёки соат атайлаб жирингладилади. Кейинчалик 1-2 дақиқа олдинроқ чалинади. Натижада бола кўнгирок жиринглаган захотиёқ ишни тугатишга интилиб, серҳаракатликка ўрганиб бориши мумкин.

Флегматик бола ўртоқлари билан ўйинларга қўшилишни истамайди. Нотаниш одамлар билан хоҳламай танишади, ота-онаси билан меҳмонга борганда ўзини ноқулай сезади. Флегматик болалар характеридаги уятчанлик, тортинчқоқлик, ётсираш, ноқулайлик, бегонасираш сингари салбий томонларни бартараф қилиш учун, уларни қўшни синфга бирон-бир топшириқ билан юбориш фойдадан холи бўлмай-

ҳосил бўлган. Библиопсихология ҳақида биринчи марта XX асрнинг 20-йиллари охирида гапирила бошланган. Ушбу фан олдида қандай мақсадлар қўйилган? Биринчидан, бу — китоб ишининг жараёнини ўрганиш, ушбу фаолиятда иштирок этадиган ҳарф терувчи, мусахҳих, муҳаррир ва китобхон фаолияти психологиясини тадқиқ этишдир.

Китоб ишини ўрганишнинг асосини учлик: китобхон — китоб (матн) — муаллиф ташкил этади. Мактабда эса бошқача: аввал муаллиф, кейин китоб. Китобхон эса шунчаки тасаввур этилади, унга гўёки бу жараёнда баъзи ҳолларда ўрни йўқ бўлган иккинчи даражали шахс деб қаралади. Библиопсихология ана шу учликнинг ўзаро таъсирини ўрганади.

Библиопсихология асосчиси ҳисобланган рус маърифатпарвари Николай Рубакин (1862—1946)нинг 1929 йили Москвада «Китобхон ва китоб психологияси. Библиологик психологияга қисқача кириш» асари босилиб чиқди.

Н.Рубакин 1887 йили Петербург университетининг физика-математика факультетини битирган, бир вақтнинг ўзида тарих-филология факультетида ҳам маърузалар тинглаган.

У қоғоз ишлаб чиқариш фабрикасини ижарага олган отаси ва кутубхоначилик қиладиган онасига ёрдам берарди. 1892 йилда Рубакин бу кутубхонанинг ҳақиқий хўжайини бўлди. Унинг китоблар орасидаги ҳаёти шундан бошланди. Чунки қоғоз ва китобга ҳавас унинг қалбида болалиқдан уйғонган эди.

Н.Рубакин тақдир тақозоси билан Швейцарияда яшайди. Бу даврда у Жан Жак Руссо институти қошида библиопсихология секциясини ташкил этади. Кейинчалик шу шўъбадан Халқаро библиопсихология институти ташкил топди.

Мактаб амалиётчи психолог библиопсихология тўғрисидаги маълумотларни чуқур эгалласа, мактаб кутубхонаси ва китобхон ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришда қийналмайди.

### Хотирангизни текширинг

Олимлар турли хилдаги ахборотларни эсда сақлаб қола олмаслик сабабини асаб тизимининг ҳолати билан боғлайдилар. Мутахассис Р.Трубноковнинг тадқиқотлари асаб тизими кучининг хотирага таъсири масалаларини аниқлашга бағишланди. Кучли асаб тизимига эга одамларнинг афзаллиги фақатгина кичик ахборот ва қисқа матнларни эслаб қолишда намоён бўлди.

вон — бир дақиқада 175та сўз тезлигида гаплашишни афзал кўришади. Бу суръатда ахборот тўлалигича ўзлаштирилади.

Болалар учун энг номувофиқ нутқ — бу бир дақиқада 100та сўздан иборат нутқ тезлигидир. Овоз орқали атрофимиздаги оламдан ахборот оладиган болалар бир дақиқада 275 сўзгача бўлган суръатли нутқни афзал кўришлари эътироф этилган.

### Яхши эшитмоқчи бўлсангиз, югуринг

Бу сизга галатидек туюлади, лекин ўз олдида фақат югуришни мақсад қилиб қўйган 23 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркаклар тўрт ойлик югуришдан сўнг жуда яхши эшитадиган бўлиб қолишди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, бу ҳол қонда холестерол моддасининг камайиши туфайли содир бўлган. Холестерол қулоқларга олиб келувчи томирлар ичида тўпланиб, эшитиш ҳиссини бирмунча пасайтирар экан.

### Хайрли тун, ота-оналар!

Кечаси йиғлаб чиқадиган чақалоқлар ота-онанинг ҳаловати қочишига сабаб бўлади. Кичкинтойга уйку дори бериб бўлмайди, лекин швед мутахассиси ихтироси ота-оналар учун ҳақиқий халоскор вазифасини ўтади. Катта ўйинчоқ ёки кўғирчоқлар ичига ўрнатилган магнитофонга она юрагининг уриши ёзиб олинади. Бу болаларни шу қадар тинчлантирадики, бир неча дақиқадан сўнг улар чуқур уйкуга кетишади.

### Заргар-психолог

Фарб мамлакатларидаги энергия танқислиги Голландия ҳукуматини дўкон витриналарни ёритишни тақиклаб қўйишга мажбур этди. Лекин Рурмонда шаҳридаги бир заргарни бу ҳол қониқтирмади. У кўчада, ўз дўкони витринаси ёнида қўл билан айлантириладиган кичик генератор ўрнатди. Энди ким ёруғ витринани кўриши лозим бўлса, дастакни айлантириши керак эди.

Ўз-ўзидан равшанки, бирон-бир бола дастакни айлантирмасдан витрина ёнидан ўтиши мумкин эмас. Кўряписизки, болалар психологиясини яхши билган ихтирочи заргарга ўз дўконини нурафшон қилишнинг ҳеч қандай қийин жойи қолмади.

### Менга хат ёзинг

Хельсинкилик руҳшунос Нилс Лифсен ўз мижозларига психологик хизмат кўрсатиб, уларни безовталиқ ва ғамдан

ган. Маиший хизмат тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳикоя қилишларича, бу мамлакатдаги кўп қаватли уйларнинг биридаги лифт бузилиб, ниҳоятда секин кўтарилиб, пасаядиган бўлиб қолади. Шунда мутасадди кишилар эҳтиёт қисмларни сўраб, заводга мурожаат этадилар. Раҳбарият ҳозирча бунинг имкони йўқлиги, 3-4 кун сабр қилиш лозимлигини маълум қилади.

Юқорига чиқишга, айниқса, биринчи қават подъездида тумонат одам тўпланар, уларнинг ичида ўқувчилар, ёш болали оналар, ногиронлар ва қариялар бор эди. Шунда мутасаддилар лифт соз бўлгунга қадар вазиятни тартибга солиш учун психолог хизматидан фойдаланишни таклиф этади. Вазиятни чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил қилган психолог мутасадди кишилардан катталиги эшиқдан кам бўлмаган ойна олиб келишни илтимос қилади.

Психолог олиб келинган кўзгуни одамлар тирбанд бўлган подъездга ўрнатиб, жўнаб кетади. Қизлар, йигитлар ва аста-секин бошқалар ҳам ўзларини ойнага солиб, юзларида табасум билан бир-бирларига яхши гапира бошлайдилар. Ширин сўхбат бошланиб, кўп одамлар ўзларини жиғибийрон қилган асосий нарсадан бироз бўлса-да чалғийдилар. Лифт келиб очилгач, аввал урхо-ур, сурха-сур қилган кишилар кайфиятлари яхшилигидан бир-бирларига илтифот кўрсатиб, лифтга чиқиш учун мулозамат қила бошлайдилар.

Психологнинг ўйлаб топган тадбири туфайли одамлардаги безовталиқ моҳирона бартараф этилди.

### Боғбон-психолог

Англиянинг кичик шаҳарларидан биридаги боғбон майса ва ўсимликларга қанчалик меҳр билан қарамасин, авайлаб сўғормасин, барибир, кимдир уларни босиб, оёғи билан мажақлаб кетарди. «Ўт-ўланларни топтаманг!» эслатмали ёзув тахтаси ҳам кор қилмади. Шунда бир вақтлар психология билан қизиққан боғбон у ерга «Эҳтиёт бўл, мен ҳамма нарсани кўряпман. Ҳозир жарима тўлайсан!» ёзувли тахта-ни илди. Бу чора иш берди, майсазор бўйлаб юришни бас қилишди.

Мана, бунга ишга ижодий ёндашиш, ҳаётий тажриба ва психологияни билиш деса бўлади.

Тўловчи:

Салим АЗИМОВ,  
Навоий вилояти ПҚҚТМОИ  
катта ўқитувчиси



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида олим ва мутахассислар бир қатор тежамкор технологияларни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилишмоқда. Қизиғи шундаки, илгари эътибордан четда қолиб кетган айрим лойиҳалар вақти келиб жамоатчиликни оҳанрабодек ўзига тортишига кўпчилик ишонмаган бўлса керак. Эндиликда эса глобал инқироздан энг кўп азият чеккан жабҳалардан бири — автосаноат вакиллари ҳам бу каби инновацион лойиҳалар амалиётга урғу беряпти. Бу, албатта, бежиз эмас. Сабаби, жаҳон бозорида ҳамон нефть нархининг беқарорлиги кузатишмоқда. Бундай пайтда имкон қадар камроқ ёнилғи «истеъмол қиладиган» ёки муқобил ёқилғи воситасида ҳаракатланадиган транспорт воситаларига талаб кучаяди. Кореялик мутахассисларнинг фикрича, электромобиллар ёки электр токи билан юрадиган «пўлат отлар» ушбу масалага ечим бўла олар экан.

Мазкур фикрни ўртага ташлаган корейликлар узоқ кутиб ўтиришмади. Тез орада бу йўлда мамлакатнинг Тежон шаҳридаги синов майдонида дастлабки тажриба ташкил-

гил автомобилларни рельсларга «ўтказиш» гоёси билан ҳам чиқди, аммо ким ҳам ўз автомобилни «трамвайча»га айлантиришни хоҳлайди? Масалага жиддийроқ ёндашаётган



**2-расм: кўриниб турибдики, корейлар тўғридан-тўғри қувватловчи ускуналарни нафақат йўл остига, балки автомобиллар тўхтайдиган жойларга ҳам ўрнатишни режалаштиришмоқда. Аммо бундай жойларга розеткали устунлар ҳам ўрнатишга тўғри келади. Шунда электромобиллар худди дазмол каби ток қабул қилаверади (манба: ST&T, KAIST).**

Илмий-амалий жараёнлар давом этаётган айни пайтда муаллифлар экологик жиҳат-

ичида, балки унинг ташқарисига ҳам саёҳат уюштириш имконини беради. Мутахассисларнинг баҳолашича, ОЭВ инфраструктурасини амалиётга жорий этиш нархи ҳар бир км. учун 318 минг долларга тенг. Аммо келажакда фан-техниканинг янги ютуқлари туфайли бу қиймат камайиши мумкин. Аслида Жанубий корейликлар йирик шаҳарларни заҳарли газ чиқариб, глобал исишга сабаб бўлаётган автомобиллардан тозалаш ва нефть импортига боғлиқликни камайтириш имконини берувчи лойиҳани амалга ошириш унчалик ҳам қимматга тушмаслигини таъкидлашмоқда.

Шунинг учун бўлса керак, ҳукумат унинг амалиёти учун 100 млн. вон (80 млн. доллар) ажратишга қарор қилди. Мамлакат президенти Ли Мён Бак ОЭВнинг синовида иштирок этаётган чоғда уни шаҳар кўчаларида синаб кўриш ло-

**Texnika olamida**



Янги русумдаги транспорт воситасининг аккумулятори кўргошин кислоталисига нисбатан арзонлигини айтиб ўтдик. У ilk мартаба қувватланганидан кейин 50—70 км., иккинчи мартасидан сўнг 100—110 км. масофани бемалол босиб ўтиш қувватига эга. Дви-

# КЕЛАЖАКНИНГ

лаштирилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳайдовчилар асфальт тагига ўрнатилган электр қуввати манбаларидан, ҳеч қандай сим ёки рельсиз, бевосита куч олиш имкониятига эга автоуловлар бошқарувини намойиш этдилар. Муҳандислар муваффақият билан ниҳоясига етган синовни экологик тоза ва арзон транспорт воситалари тараққиёти сари ташланган навбатдаги қадам, дея баҳоламоқда.

Изланишлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш учун тарихга назар ташлашга тўғри келади. Аслида бу масалага ечим сифатида илгари сурилган уч хил таклиф анча олдин пайдо бўлганди. Биринчиси, қисқа вақт ичида максимум қувват йиға оладиган қурилма яратиш (ҳозиргача ҳеч ким бунинг уддасида чиқа олмаган), иккинчиси йўлларда роботлаштирилган махсус зарядловчи станциялар барпо этишга асосланган эди. Қолаверса, зарядловчи станцияларни ёқилғи қуйиш шахобчалари каби ҳар қадамда барпо этиш ҳам жуда мураккаб жараён саналиб, унинг амалиёти тўхтатилган. Шунинг учун ҳам корей мутахассисларининг 1970 йиллардаёқ пайдо бўлган учинчи гоёни асос қилиб олганига ажабланмаса бўлади. Боиси, уни амалга ошириш эҳтимоли катта эди.



**1-расм: электромобилларнинг дастлабки намуналари тестдан кўнгилдагидек ўтказилди (манба: ST&T, KAIST).**

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, айрим шоввозлар ен-

осиёлик олимлар эса йўл остига электромагнит индукцияси ёрдамида бевосита қувват етказиб берадиган тармоқларни ётқизишнинг дастлабки босқичини муваффақиятли ниҳоясига етказди.

Энди бевосита такомиллаштирилган кашфиётнинг ишлаш жараёнига тўхталиб ўтсак. Илғор технологиялар билан бойитилган шу каби қувват тизимлари ва машина тагига ўрнатилган қабул қилувчи ғалтак транспорт воситасининг ҳаракатда ҳам қувват олишини таъминлайди. Умуман олганда, бундан ўттиз йил олдин АҚШда яратилган шундай автоуловлар сўнгги технология ютуқларга асосланган шаклда ва муваффақиятли тарзда Жанубий Кореяда синовдан ўтказилди. Электромобилнинг янги турлари ҳамда унинг ишлаш механизми Корея фан ва техника институти (КФТИ) билан «Си-Ти энд Ти» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилиб, унга «Онлайн Электрик Вейикл» (ОЭВ) номи берилди. Янги имкониятларни очиб берадиган трасса эса ўқув муассасаси ҳудудида барпо этилган бўлса, компания олим ва муҳандислар лойиҳаси асосида электромобилни ишлаб чиқарди.

ОЭВ ишлаши учун илгаридан маълум бўлган бевосита зарядлаш тизимига эга «тиш чўткаси усули» қўлланди. Бунда чўткалар батареядаги қувватни йиғиб олиш учун узатувчи қурилма билан ёнма-ён жойлаштирилади. Қоидага кўра, шу йўл билан ҳаракатланаётган электромобиль қувват йиғиши учун қабул қилувчи ҳамда узатувчи мослама орасида тирқиш қолдириш лозим. Корея олимлари ушбу жиҳатга бироз ўзгартириш киритганига гувоҳ бўлиш мумкин, аммо мазкур нозик сир ҳозирча ошкор этилмапти. «Балки, улар магнит алоқали резонансга асосланган тизимлар хилма-хиллигидан фойдалангандир?», дейди кузатувчи олимлар вакили. Аммо шуни аниқки, бевосита қувват қабул қилиш самарадорлиги ўнлаб сантиметр узоқликда ҳам 75—80 фоизга етаяпти.

# "ПЎЛАТ ОТ"ЛАРИ

дан имкон қадар чинакам тозалikka эришишга интиляпти. Бундан ташқари, қулайликка ҳам эътибор кучайтирилган. ОЭВнинг етакчи мутахассиси Чхо Тон Хо бунинг учун шаҳар йўлларининг ўн фоизига шундай тармоқни ўтказиш кифоя эканини таъкидламоқда. Унинг фикрича, симни ўнлаб километр масофада асфальт остига эмас, балки бир неча ўн ва юз метрлар оралиги (электромобиль тезлигини камайтирадиган нуқталар, масалан, чорраҳаларга яқин жойлар)га ётқизишнинг ўзи кифоя. Шу усул билан ОЭВ-автомобиль аккумуляторини кейинги қувват манзилигача етадиган кучга тўлдириб олади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу турдаги аккумуляторлар одатдагисига нисбатан беш марта ихчам ва шунча марта арзондир.



**3-расм: ОЭВ муаллифлари ушбу тизимнинг одамлар ва машиналар учун хавфсиз эканини айтиб ўтдилар. Ҳаттоки, қувват етказиб берувчи воситаларга қўл билан тегиб кўрилса ҳам ток урмайди (манба: ST&T, KAIST).**

Бир марта тўлдириб олинган қувват захираси 80 км.гача етади. Бу нафақат шаҳар

зимлигини айтиб ўтар экан, келажакда ҳам унга нисбатан қизиқиши камаймаслигини алоҳида қайд этди.

Бу борадаги биринчи келишувга ҳам эришилди. Тўғрироғи, КФТИ ва Чеджу ороли ҳокимияти биргаликда ушбу лойиҳани кенг миқёсда амалиётга татбиқ этиш юзасидан бир тўхтамаг келди. Агар ҳаммаси режадагидек кетса, орол бу турдаги технология кенг жорий этиладиган дастлабки маконга айланади.



**4-расм: «И-Зоун» номини олган электромобилнинг узунлиги 2,57 м., эни 1,44 м., баландлиги 1,56 метрга тенг бўлиб, оғирлиги 700 кг.ни ташкил этади (манба: green.autoblog.com).**

Бироқ ҳар тўқисда бир айб деганларидек, ҳозирча ОЭВ тизимидан фойдаланган ҳайдовчилардан ёқилғи сифатида ишлатилган электр токи ҳақини йиғиб олишнинг мақбул усули ишлаб чиқилмаган. Ҳамкор ташкилотлар берган маълумотларга қараганда, тез орада бу масалага ҳам ечим топилиб қолади. Унгача эса ҳозирда розетка орқали қувват олиб ишлайдиган «Си-Зоун» электромобилларидан амалиётда фойдаланиб турилади. Олти ўриндикли ушбу транспорт воситасини гольф майдонлари, кўргазма марказларида кўриш мумкин.

**5-расм: «И-Зоун» мижознинг хоҳишига қараб усти очик ҳолда бўлиши ёки махсус кўтарма ёпқич билан жиҳозланиши мумкин (манба: ST&T).**

гатель кучи 5 киловатт бўлса, тезлиги соатига 60 км.га етади. Шаҳар бўйлаб ҳаракатланиш учун ушбу кўрсаткичларнинг ўзи етарли. Бундан ташқари, розетка орқали бир марта қувватланишда бор-йўғи 6—10 киловатт-соат ток олинади. Жанубий Корея учун бу бир кунлик сарфланган бензинга нисбатан арзонга тушади.

«Си-Ти Энд Ти» компанияси жорий йилнинг ўзидаёқ «И-Зоун»ни Корея ва АҚШда сотувга чиқаришни мўлжаллаган. Унинг бошланғич нархи 16 минг долларга баҳоланмоқда. Бундан ташқари, яқин келажакда юк ташувчи кичик автофургонлар, тижоратчи ва давлат хизматчилари учун махсус машиналар ҳам ишлаб чиқарилиб, уларни сотиш ҳудудини янада кенгайтириш мўлжалланаяпти.



**6-расм: рекламада ҳам уларнинг тасвирларини кўриш мумкин. Ишлаб чиқарувчилар бир қарашда соддарок дизайнга эга ушбу автомобиллар тежамкорлиги ва шаклан соддалиги билан харидорлар эътиборини тортишига ишонмоқда (манба: ST&T).**

Хуллас, агар ОЭВ оммалашиб кетадиган бўлса, бошқа автокомпаниялар ҳам мазкур лойиҳага қизиқиш билдириши, табиий. Тўғри, орзулар ҳозирда кўпроқ фантастикага ўхшайди. Аммо қачонлардир кўпчилик самолёт, ракета, сувости кемалари ҳақида асар ёзган ёки бош қотирган ижодкор-олимларни хаёлпараст деб устидан кулганди. Шундай экан, электромобиллар нима бўлибди?

**Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.**

## НАВБАТДАГИ ТУТУНЛИ БУЛУТ КЕЛМОҚДА(МИ?)

Исландияда вулконларнинг фаоллашуви натижасида юзага келган яна бир тутунли булутнинг Европани яна ўз «исканжасига олиш» хавфи бор.



Буюк Британия метеорологлари шундай вазиятнинг юзага келиш эҳтимоли юқори эканини таъкидлашмоқда. Уларнинг маълумотларига кўра, вулкон кули натижасида пайдо бўладиган табиат ҳодисаси Швеция, Дания, Германия ва Польша бўйлаб Шарқий Европача чўзилиши мумкин. Мазкур тахминлар туфайли ҳозир Рейкьявикдаги аэропорт фаолияти тўхтатилди, дейилади

«NewsProm.Ru» манбасида.

Эслатиб ўтамиз, бунгача 6 кун давомида самолётлар парвози тўхтатилиб, деярли барча аэропортлар энди тўлиқ ишга туширилган эди.

## ЭНГ БАЛАНД ЧҶҚКИ — 8848 МЕТР

Хитой ва Непал давлатларининг расмий вакиллари сайёрамиздаги энг баланд чўққи — Ҳимолай тоғ тизмасидаги Эверестнинг баландлигини аниқ ҳисоблаш масаласида бир тўхтамга келишди. Бу ҳақида Би-Би-Си хабар берди.

Аввалига Хитой ҳукумати вакиллари Эверестни қоя жинсининг энг баланд нуқтасига мувофиқ ўлчаш зарурлигини таъкидлаган бўлса, непалликлар бунда қор қатламининг энг юқори нуқтасига қараб белгилаш тўғри, деган фикрда эди. Муроасага келишга ҳалал бераётган жиҳат шуки, бу икки хил ўлчаш натижасида ўртада 4 метр фарқ кузатиларди.

Аслида чўққининг баландлиги яқин бир ярим аср, яъни уни илк маротаба 1856 йилда ўлчашганидан бери баҳсларга сабаб бўлиб келган. Маълумот ўрнида айтиш ўринлики, Ҳимолай тоғ тизмаси икки мамлакат ҳудудига ҳам қиради. Мутахассисларнинг гапларига қараганда, ҳозирда қитъалар ер қатламларининг «миграция»си — силжиши туфайли Эверест янада баландлаётгани кuzатилмоқда.

Непал пойтахти Катманду шаҳридаги сўнгги музокаралар пайтида Хитой мутахассислари иккинчи томон фикрини тан олишларини маълум қилди. Шу тариқа, Эверест тоғининг баландлик кўрсаткичи сув сатҳидан 8 848 метр юқорида экани расман қайд қилинди.



## РОБОТ САМОГА ПАРВОЗ ҚИЛАДИ

Жорий йилнинг сентябрь ойида Халқаро космик станцияга уюштирилган навбатдаги парвозлардан бирида «Дискавери» шаттли аъзолари таркибига инсонмонанд робот ҳам киритилади. «Сайнс» нашрида ёзилишича, «Робонаут-2» (қисқача «Р-2») деб номланган бу робот самовий станцияда имкон қадар узоқ муддат давомида ишлаши режалаштирилмоқда.



Умумий вазни 136 кг.га тенг «Р-2» самовий экипаж аъзолари фойдаланадиган асбоб-ускуналарни қийинчиликларсиз ишлатиши мумкин. Боиси, одатдаги роботлардан фарқли ўлароқ, унинг қўл қисмида манипулятор (мураккаб ҳаракатларни бажарувчи қурилма) ўрнига бармоқлар ўрнатилган. Кейинчалик роботни такомиллаштириш ва космик станция ташқарисида ҳам ишлашга мослаштириш устида изланишлар олиб борилади. Ҳозирча эса кема муҳандислари «Р-2»нинг вазнсизлик ҳолатидаги фаолиятини кузатиб боришади.

Айни пайтда робот станция ташқарисидаги ҳарорат шароитларида ишлаш қувватига эга эмас. Шу сабаб, дастлаб станцияда синов пайтида у микрогравитация шароити учун текширилади, радиация ва электромагнит таъсирига чидамлилиги кузатилади. Шунингдек, парвоз пайтида роботнинг космонавтлар билан ёнма-ён ишлаши ҳам назорат қилинади ва бу борадаги маълумотлар элуксиз Ердаги марказга узатиб турилади. Тажриба муваффақиятли давом этса, экипаж аъзоларига зарур жиҳоз ва дастурий таъминот етказиб берилади. Улар ёрдамида эса робот қайта такомиллаштирилиб, янги вазифалар юкланади.


## МИЛЛИАРДЛАБ ТУРЛАРИ БОР ЭКАН

«Бутундунё сувости микроорганизмларини рўйхатга олиш» (БСМРО) халқаро лойиҳаси иштирокчилари океанлар қаърида тадқиқотлар ўтказишди. «Нэйче Нъюс» манбасида айтилишича, мазкур дастур бундан етти йил олдин иш бошлаган ва у «Ерости дунёси» номли кенг қамровли илмий тадқиқотнинг 14та лойиҳасидан биридир.

Лойиҳага жами икки мингдан ортиқ мутахассис жалб қилинган. Бугунга қадар иштирокчилар Ер шарининг 1200 нуқтасидан ортиқ ҳудудларда мавжуд микроорганизмлардан намуналар олган. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, микроорганизмлар бутун океан биоҳажмининг 50-90 фоизини ташкил этиши мумкин. Эътиборлиси, микроорганизмлар океан тубидан 1600 метр пастда жойлашган ер қатламида ҳам аниқланган.

Баъзи олимларнинг фикрича, сувости организмлари маълум вазифаларга эга бўлиб, уларни бажариш орқали экотизимлар барқарорлиги сақланиб турилади. Қолганлар эса мавжуд геологик шарт-шароитлар ўзгарса, ўзига хос генетик захира вазифасини ўтайди, деган фикрни илгари суришмоқда.


— Энг қизиғи, янги топилган микроорганизмларнинг катта қисми ноёб турдагилар ҳисобланади, — дейди Денгиз биологияси маркази раҳбари Митч Согин. — Галдаги изланишлар мазкур камёб турдаги организмлар экологик жараёнларда қандай аҳамиятга эга эканини аниқлашга қаратилади.



## КОМПЬЮТЕРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Рақамли маълумотлар сақловчи восита — флеш картанинг янги турдагиси ажойиб концепцияга эга. Унга кўра, воситанинг ичида қандай маълумот борлигини билиш учун флеш картани компьютерга улашнинг ҳождати йўқ. Бу ҳақида sciencedaily.com сайтида маълум қилинди.

Ускунанинг ташқи томонидаги ўзига хос шишали экран унинг ичидаги файлларни ортиқча қийинчиликларсиз намоиш этиши мумкин. Масалан, пушти ранг-



даги сурат, мовий рангдагиси ҳужжат, яшил эса видео файлдир. Барча файллар хотира майдонини қандай эгаллаганига қараб уларнинг ҳажмини ҳам билса бўлади.

Ишланма муаллифларининг айтишича, ушбу амалларни бажариш учун махсус кичик ҳажмдаги қувват манбаи ҳам талаб этилади. Шу сабаб унинг нархи оддийларга нисбатан бироз қимматроқдир. Янги турдаги ускуна тез орада сотувга чиқарилиши ҳақида ҳам хабар берилди.

## ЭНГ УЗУН ҲАШАРОТ

Тадқиқотчилар Борнео оролида қатор янги турдаги тирик жонзотларни аниқлашга муваффақ бўлди. Улар орасида ҳозирча дунёдаги энг узун деб эътироф этилаётган *Phobaeticus chani* ҳашароти алоҳида эътиборга лойиқ.

Чунки унинг танаси узунлиги ярим метрга тенг. Айни пайтгача олимлар бу турдаги жонзотнинг фақат учтасини топишган, шу сабаб уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ бир фикр билдирилмапти. Бу ҳақида «Новости» манбаси хабар берди.

Олимлар учун яна бир ғайриоддий топилма бу — буқаламун қурбақа бўлди. *Rhacophorus repanogum* номини олган бу ҳайвон 3,5 см. бўлиб, тунда унинг танаси оч яшил рангга, кундузи эса жигарранг тусга қиради. Шу билан бирга, ҳажми 1 сантиметрдан ошмайдиган, чучук сувда яшайдиган бир неча турдаги қурбақалар ҳам биолог мутахассислар топилмалари рўйхатидан ўрин олди.

Аслида Борнео ороли яна Калимантин номи билан ҳам юритилиб, у катталиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Ҳозирда у Индонезия, Малайзия ва Бруней давлатларига қарашли ҳудуд ҳисобланади. 2007 йили бу мамлакатлар ўзаро келишиб, 220 минг квадрат километр тропик ўрмонлар майдонини қўриқхона ҳисобига ажратган. Шу сабаб бу ерда янги турдаги организмларни излаб топиш билан шуғулланадиган олимлар фаолият юритади. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, ҳозиргача Борнеодан 123та турдаги илгари фанга маълум бўлмаган жонзотлар аниқланган. Ўз навбатида, бу олимлар ойига учта янги турдаги ҳайвонни топишнинг урдасидан чиққан, деганидир.



## ГАЗЛИ ИЧИМЛИК ХАВФЛИ БЎЛИШИ МУМКИН



Ширин газли ичимликлар чанқоқни қондирбигина қолмай, қандли диабет касаллигини келтириб чиқаради ва семиришга олиб келади, деган фикр олимлар томонидан бундан бир муддат аввал билдирилганди.

Эндиликда эса мутахассислар улар яна ошқозон ости безида саратон ҳужайраларини шакллантириш омили эканини ҳам таъкидлашпти. Ҳафтасига икки марта ушбу ичимликни истеъмол қилувчи киши касалликка бошқаларга нисбатан икки маротаба кўпроқ чалиниши аниқланган, деб ёзади

«Кэнсер эпидемиоложи» нашри.

Сингапурлик тиббиёт мутахассислари мевали шарбат ичадиган одамлар газли ичимликлар истеъмол қиладиганларга нисбатан саратоннинг бу турига камроқ чалинишини ҳам исботладилар.

Тадқиқот раҳбари Марк Перейранинг фикрича, бунинг сабаби газли ичимликлардаги шакар миқдорининг юқори эканида. Натижада, бу инсулин моддасининг меъёридан ортиқча ишлаб чиқилишига ва ошқозон ости безида саратон ҳужайраларининг тез суръатларда шаклланишига туртки бўлади. Ўз мақоласида Перейра ва унинг ҳамкасблари 14 йил мобайнида 60 мингдан ортиқ одамларни назорат қилиб боришганини билдирган. Мазкур вақт ичида тажриба иштирокчиларининг 140 нафаридан ошқозон ости бези саратони аниқланган. Ширин газли ичимликларни ҳафтасига икки маротабадан ортиқ истеъмол қилган одамларда касалликка чалиниш эҳтимоли бундай маҳсулотларга ружу қўймаганларга нисбатан 87 фоиз юқори экани тажриба пайтида ўз исботини топди.

Марк Перейра мазкур тадқиқот натижалари исталган мамлакат учун қўлланилишини таъкидламоқда. Сабаби, ҳозирги кунда ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар аҳолиси асосий вақтини ўз уйдан ташқарида — ишда ёки бошқа жойларда ўтказишга, кўча-кўйда овқатланишга ва шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга одатланмоқда.

Н. РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

«Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририятнинг Бухоро вилояти бўйича махсус муҳбири Сора Тошевага волидаи муҳтарамаси

БАХМАЛ момонинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейи жамоаси академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Наҳанговга отаси

УЛАШ бобонинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси «Гуманитар фанлар» кафедраси доценти Раъно Якубовага отаси

Фани ЯКУБОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



# ЭЗГУЛИККА ОШНО КЎНГИЛ

Оила — инсоният бешиги. Хар қандай буюк инсон ҳам даставвал мана шу жамиятнинг кичик бир бўлагида шаклланади, тарбия топади, оқу қорани танийди.

Фарида Музаффарова падари бузруквори Мухаммаджон Солиев ва волидаси Лутфинисо опа олдида бир умрлик қарздорлик ҳисси билан яшайди.

— Оиладаги муҳит мен учун катта тарбия мактаби вазифасини ўтаган. Отам Республикада хизмат кўрсатган халқ ўқитувчиси, қолаверса, «Болалар адабиёти хрестоматияси» қўлланмаси муаллифи менда — ўқитувчилик касбига меҳр уйғотган инсон. Онажонимни эса бағрикенг, заҳматқаш, очиккўнгил аёл сифатида кўраман, — дейди Фарида опа.

Оилада яхши тарбия олган Фарида опа 1970 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг «Дефектология» факультетига ўқишга кирди. Имтиёзли диплом билан олий ўқув юртини битиргач, ўз фаолиятини Тошкент шаҳридаги 37-махсус ёрдамчи мактабда логопедлик ишидан бошлади. Кейинчалик шу мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. Алоҳида ёрдам ва эътиборга муҳтож, кўнгли кемтик болалар билан тил топишиш, уларнинг қалбида эзгулик, инсонпарварлик, адолат каби туйғуларни шакллантириш осон эмас. Фарида опа болалар билан фақат кўп йиллик тажрибаларини эмас, меҳр-муруввати, қалб кўрини ҳам баҳам кўрди. Ушбу мактабда 17 йил таълим-тарбия бериб, ҳамкасблари ва ўқувчиларининг ҳурматини қозонди.

1990 йилдан бошлаб Ф.Музаффарова Республика ўқув-методика маркази дефектология кабинетига ме-



тодист бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Дастлаб ёрдамчи мактаблар йўналиши шўъбаси бошлиғи, бўлим бошлиғи муовини вазифаларида ишлади. Ҳозир ёрдамчи мактаблар йўналиши бўйича бош методист.

Сир эмаски, ўқувчининг дарсдаги фаоллиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг дарс ўтиши, синфни бошқариш қобилиятига боғлиқ. Агар ўқувчи алоҳида эътибор ва ёндашувга муҳтож бўлса-чи? Имконияти чекланган болаларда таълимга бўлган қизиқиш ва ҳаракатчанлик каби хислатларни шакллантириш дефектолог ўқитувчидан ниҳоятда катта сабр-тоқат ва маҳорат талаб этади. Бу борада етарлича билим ва кўникмага эга бўлиш, болаларнинг қобилиятларини соғлом тенгқурлариникига тенглаштириш, махсус таълимни амалга ошириш жараёнига оид услубий тавсияларни яратишда Фарида опанинг хиссаси беқиёс. Иш фаолияти довомида 10га яқин дарслик, 23та методик қўлланма ҳамда 15дан ортиқ тавсия яратиш билан бирга, жисмоний ёки руҳий ривожланишда оқсаётган ўқувчилар, умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уй шароитида таълим олаётган ақли заиф болалар учун махсус ўқув режалар ишлаб чиқиш-

да муаллима ҳам фаол иштирок этиб келяпти.

2000 йилдан бошлаб махсус таълим соҳасида дарсликларнинг янги авлоди яратила бошланди. Мазкур жараёнда Фарида опанинг хизматлари катта бўлиб, унинг ҳаммуаллифлигида ўзбек ва рус тилларида ёрдамчи мактабларнинг 2—3-синфлари учун «Ўқиш китоби», 3—9-синфлари учун «Математика» дарсликлари ишлаб чиқилди. 8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Математика» дарслиги «2009 йилнинг энг яхши дарслиги» танловида III ўринга лойиқ деб топилди.

Имкониятлари чекланган ўқувчиларда ўқиш, билим олиш — д а н к ў р а кўпроқ м е х -

натга, касб-хунар эгаллашга иштиёқ кучли бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг касб-хунар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, лаёқати, саломатлиги, руҳияти, қизиқишларини аниқлаш ва аниқ механизмини яратиш муҳим ҳисобланади. Махсус таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида «Ногиронлар касб таснифи» махсус касб-хунар коллежлари низомини ишлаб чиқишда ҳам Фарида опанинг хиссаси катта.

Доноларнинг таъбирича, инсоннинг ҳаёти яшаб ўтган умри билан эмас, элга қанча нафи теккани билан ўлчанади. Фарида опа ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида жуда кўп савоб ишларга қўл урди ва келажақда уларни давом эттириш ниятида.

**И.ЛАТИПОВ,**  
**РТМ махсус таълим бўлими бошлиғи муовини**  
**И.МАТНИЁЗОВА,**  
**махсус таълим бўлими бош методисти**

«Мен мусиқани шу даражада яхши кўраманки, ҳатто ижодий ишим ҳам мусиқа садолари остида бажарилади. Менимча, ёқимли мусиқа ишга халал бермайди, аксинча, у кишига завқ бағишлаб, руҳини кўтаради». Устоз Қори-Ниёзий таърифлаган рангин дунёга Тошкент-



«Най учун хрестоматия» ўқув қўлланмасини чоп эттириш арафасида. Илк бора нашр қилинаётган мазкур қўлланмага Ҳотам ака ижод қилган 130та асар ҳам киритилган. Булар орасида сонатина, импровизация, экспромт, ноктюрн, ўзбекча интермеццо, менюэт, скерцо, ўзбекча марш каби

## САДОҚАТ КҮЙИ

нинг Дегрез маҳалласида тугилган Ҳотам Рихсиев ҳам ошно бўлиб улгурганди. Тоғалари Абдурахим Абдуллаев (шоир Файратий) ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Анвар Абдуллаев билан бир ҳовлида яшаб, вояга етган Ҳотам ака ўз болагини эслаб

музыка асарлари бор.

Ўқитувчининг малакаси, ижодий салоҳияти кўп жиҳатдан унинг билим даражаси ва тажрибасига боғлиқ. Ҳотам ака ота-оналарнинг ҳурматини, болаларнинг меҳрини қозониб Тошкент шаҳридаги етти йиллик мусиқа мактабида йигирма йил най сози мутахассислиги бўйича дарс бериб келди. Ҳозир нафақада, лекин тинимсиз равишда ижод билан шуғулланиб келмоқда.

ш у н д а й дейди: — Тоғам Файратий

### Oramizdagi odamlar

ўша йиллари Ўзбекистон халқ артисти Наби Ҳасанов билан Лабзак кўчасидаги шаҳар ўқувчилар саройида адабиёт тўрагини олиб борарди, у ерда мен қашқар рубоби ҳамда най чалишни ўргандим. Мусиқага бўлган қизиқишим туфайли устозларим Мирза Тоиров билан Абдурахим Маликов раҳбарлигида 1957 йили Р.Глиэр номидаги ўн йиллик республика мусиқа мактабининг най синфини тугатгач, кўп йиллар турли ташкилот ва ўқув муассасаларида меҳнат қилиб келдим.

1976 йилга келиб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа ва педагогика бўлимига ўқишга кириб, уни 1981 йили муваффақиятли тугатиб, ижодга берилиб кетдим ва най учун чолғу куйлари яратмоқдаман...

Узоқ йиллар болаларга мусиқадан сабоқ берган бу инсон 2004 йили Ўзбекистон халқ артисти Ҳалимжон Жўраев билан ҳамкорликда «Ёш найчи» ўқув қўлланмасини яратди. Эндиликда эса, профессор Анвар Лутфуллаев билан

Халқимиз муҳаббат оғир дамларда синалади, деб рост айтаркан. Ҳотам ака ўтган йиллар давомида оғир дард билан хасталанган жуфти ҳалоли Моҳира опага садоқати қай даражада эканлигини исботлай олди. Аёлининг ташвишини Ҳотам ака фарзандларига ҳам ишонмай ўз зиммасига олди. Моҳира опани ёш болани парваришлагандек авайлаб парвариш қилиб келмоқда. Зерикқанда мусиқалар чалиб беради. Ишқилиб, ҳамиша унинг дардини енгиллатиш пайида бўлади. Бир қарашда, ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурчдек туюлса-да, бу бурчни ҳамма ҳам бажара олмаслигини ўйласак, Ҳотам акага чиндан ҳам тан берсак арзийди. Ҳотам ака хонадонига бориб Моҳира опанинг аҳволини ўз кўзларим билан кўргач, мусиқани севган инсоннинг қалби ҳам гўзал бўлишига ишондим. Моҳира опанинг бахти бор экан. Чунки у турмуш ўртоғи топишда адашмаган, бу борада тақдир уни жуда сийлаган эди...

Назира БОЙМУРОДОВА

# ЧАҚМОҚДАЙ ЎТГАН УМР

Психология фанлари номзоди, доцент Қувват Турғунов номи эсга олинганида уни таниган-билганлар ўзгача соғинч ва меҳр ҳиссини туйди. У киши Сирдарё педагогика институти (ҳозирги ГулДУ) ташкил этилганида биринчилардан бўлиб бу даргоҳга ишга келган, педагогика ва психология кафедрасига асос солганлардан бири эди.

1935 йили Андижон вилояти Марҳамат туманида туғилган Қувват Турғуновнинг ҳаёти оғир, машаққатли кечди. Отасидан эрта ажралган ёш Қувват онаси ва ёлғиз опасининг оғирини енгил қилиш учун болаликнинг энг ширин дамларини меҳнат ва машаққатда ўтказди. Оила тебратишга ҳисса қўшиш мақсадида ҳали суяги қотмасдан туриб ҳар хил ишларни бажаришга мажбур бўлди. Хар қандай машаққатда ҳикмат бор, деб бежиз айтишмас экан. Шу тарзда ўспирин Қувват меҳнатда тобланиб, жисмонан бақувват, соғлом, гайратли, ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлиб вояга етди.

Мактабга кечроқ борган бўлса ҳам, аёло ўқиши натижасида беш йилда етти синфни битирган. Шундан сўнг Андижон педагогика билим юртига ўқишга кириб, уни ҳам муваффақиятли тамомлаган. Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика факультетига психология мутахассислиги бўйича таҳсил олган.

Қ.Турғуновда тил ўрганиш қобилияти

кучли бўлгани боис рус, немис, инглиз тилларини ёшлиқдан пухта ўрганган. Айниқса, рус тилини яхши билгани учун талабалик йилларидаёқ «Постда» газетасида таржимон бўлиб ишлаганди. Учинчи-тўртинчи курсдалигида анча маҳорати ошиб қолгани туфайли «Ўқитувчи» нашриётидан рус тилидаги китобларни ўзбек тилига ўгиришга буюртмалар ола бошлаган. Кейинчалик ўша даврларни хотирлаб Қувват ака, институт талабаси сифатида

### Xotira — muqaddas

қанча билим олган бўлсам, китобларни таржима қилиб янада кўпроқ билим эгаллаганман, деб айтганди.

Учинчи-тўртинчи курсда ўқиб юргандаёқ психологик тажрибалар ўтказиш, шу йўналишда илмий иш қилишга жуда қизиққан экан. Психология фани бўйича ўтказилган талабалар олимпиадасида ва танловларда иштирок этиб, голибликни қўлга киритган.

Институтни битиргандан кейин Қ.Турғунов Низомий номидаги педагогика институти (ҳозирги университет)да ишлай бошлади. Кейинроқ шу ерда аспирантурада ўқиди. Илмий раҳбари яхши ниятлар билан Ўзбекистонда биринчи бўлиб, ҳали йўналиш сифатида шаклланмаган инженерлик психологиясидан мутахассис тайёрлаш мақсадида шу соҳадан мавзу олиш-

ни маслаҳат берди...

Диссертацияга ҳимоя жараёнида жуда юқори баҳо берилди. Бунга асос бор эди, албатта.

1966 йили Сирдарё педагогика институти (ҳозирги ГулДУ) очилиши сабаб бўлиб, у киши бу ерга ишга келди. Институтда ишлаган қисқа муддатли даврда у ўзининг педагог ва олим сифатидаги бор қобилияти, истеъдодини намоён эта олди. Йигирмага яқин дарслик, ўқув қўлланма ва рисола таржима қилди, яна қанча асарларни таҳрир қилиб, чоп этилишига ҳисса қўшди. Изланувчан олим кўплаб китобларни таржима қилиш жараёнида турли атамалар, таъриф, ибораларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш мақсадида қанчадан-қанча илмий адабиётлар, энциклопедия, сўзлик ва луғатларни ўқиб чиқди. Тўпланган билим ва маълумотларга таянган ҳолда психологик терминларнинг изоҳли луғатини ишлаб чиқишга киришди. Шогирди, ҳозирги кунда у киши асос солган кафедранинг бошқараётган О.Сувоновда сақланаётган қўлёзма қоралмасида 3000дан ортиқ психологик терминга изоҳлар берилган. У кишининг шу йўналишда докторлик диссертациясини тайёрлашдек олий нияти, афсуски, амалга ошмай қолди.

Қ.Турғуновда алоҳида кўзга ташланиб турадиган хусусиятлардан бири юксак даражадаги касбий педагогик маҳорати эди. Илмий-назарий тушунчаларни бериш, қизи-

қарли ҳаётини мисоллар келтириш, ўрни келганда, енгил педагогик юмордан фойдаланишнинг устаси эди. Оғзаки нутқи таъсирчан бўлишига қарамай, кўргазмали куруллар, тарқатма материаллардан мунтазам фойдаланарди. Сезги, идрок, хотира, хаёл ва бошқа психик жараёнларни талабаларга тушуниришда ўзи қўлда ясаган жиҳозлардан фойдаланар, бу талабаларда катта қизиқиш уйғотишини шогирдлари яхши эслашади.

Қ.Турғуновнинг лаборатория машғулоти баъзан ёш ўқитувчилар ҳам киришар ва ўзлари сезмаган ҳолда талабалардек фаол иштирок этишарди.

Умуман, Қувват ака фақат дарсда эмас, ҳаётда ҳам юмордан кенг фойдаланар, табиатан ҳазил-хузулни жойига қўядиган, аскияни ҳам қойиллатадиган одам эди. Педагогика, фалсафа, тарих, адабиёт, анатомия, физиологияни ҳам яхши билар, янгилардан мунтазам хабардор бўлиб турарди. Ҳатто, вафотидан сўнг бир дафтарда у кишининг анча-мунча шеърини машқлари ҳам бор эканлиги маълум бўлганди.

Бугунги кунда Қувват аканинг фарзандлари билимли, ўқимишли, элга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишди. Солиҳ фарзандлар ота-оналарининг орзу қилгандек оиласи, қишлоғи, элининг фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келишмоқда...

**Умурзоқ ЎЛЖАБОВ,**  
**ГулДУ «Ўзбек адабиёти» кафедраси мудири,**  
**Омон СУВОНОВ,**  
**ГулДУ «Педагогика ва психология» кафедраси мудири**

# МУВАФФАҚИЯТ ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ БЎЛМАЙДИ

Iqtidorli sportchi

Ўзбекистонда спортчи ёшлар талайгина ва ҳатто кичик ёшдагилар орасида ҳам иқтидорлилар кўплаб топилади. Шундай болалардан бири каратэ бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақаларнинг бир неча бор совриндори, Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги 20-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мирзоҳид Боймирзаевдир. Мирзоҳид эндигина ўн ёшни қарши олган бўлса-да, каратэнинг шотокан йўналиши бўйича республика мусобақаларида қатнашиб, қатор медалларни қўлга киритмоқда. Унинг муваффақиятларидан мураббийи Дониёр Тошмухаммедов ҳам хурсанд.

— Мирзоҳидга 2005 йилдан буён каратэ сирларини ўргатиб келяпман. У жуда ҳаракатчан, қобилиятли бола. Гуруҳдаги тенгқурлари орасида ўзининг хулқи, зийраклиги ва интилувчанлиги билан ажралиб туради. Машғулотларга мунтазам қатнайди. Мирзоҳид вақти келиб жаҳон чемпионатларида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилади, деган умиддаман.

Биз ёш спортчининг отаси Мўминжон акани ҳамда онаси Нафиса опани ҳам суҳбатга тортдик.

— Мирзоҳид — кенжа фарзандим, аммо кўп эркалик қилмайди. У биринчи бор «ЖАР»да бронза медалини қўлга киритганида, ростини айтсам, қувонч кўз



ёшларимни тия олмагандим. Ҳар сафар уни мусобақа олдиан дуо қилар эканман, юрагим алланечук бўлиб кетади. Бундан ташқари, у энг яқин ёрдамчим, — дейди спортчининг онаси.

Мирзоҳид 2005 йили шотокан каратэ-до бўйича «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кечган биринчиликда бронза медали, 2007 йили болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилган мусобақада олтин медаль, шотокан каратэ-до клубининг очиқ турнирида олтин медаль ҳамда болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақасида бронза медали, 2008 йили каратэ бўйича иккинчи очиқ чемпионатда олтин медаль совриндори бўлди. 2009 йили эса қўл жанги бўйича бир неча бор голибликни қўлга киритди ва ҳозиргача жами 14та медаль жамғаришга эришди.

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

## СПОРТСЕВАР ЁШЛАР МАСКАНИ

Соғлик — бебаҳо неъмат. Шу сабаб буни тўғри англаб, айна пайтда муайян бир спорт тури билан шуғулланадиган ёшлар кўпайиб бормоқда. Ана шундай ёшларнинг севимли масканларидан бири — пойтахтдаги «Саховат» спорт сузиш ҳавзаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

2001 йили Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда очилган ушбу спорт мажмуаси жаҳон стандартларига жавоб бера олиши билан эътиборлидир. Бу ерда 16 нафар тажрибали мураббий ўғил-қизларга синхрон сузиш, балангликдан сувга сакраш бўйича машғулотлар олиб боради.

— Мажмуамиз таркибида сув ҳавзасидан ташқари яна футбол ва теннис майдонлари

ҳам бор, — дейди биз билан суҳбатда комплекс раҳбари Қобилжон Нурматов. — Умумий майдони 5 гектарни ташкил этган спорт мажмуасида турли мусобақа ва турнирлар ўтказилади. Яқинда спорт масканимизда таъмирлаш ишлари якунланди. Айна пайтда бу ерда мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мусобақага тайёргарлик кўряпти.

Мажмуада сузиш сирларини ўрганган жамоалар 2009 йили Италияда ўтказилган Европа чемпионатида ва Хитойда ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Бу натижалардан маълумки, сузиш спортига бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари катта қизиқиш билан қарамоқда.

Мураббийлар жорий йилдан мажмуага келатган спортсевар ёшлар сафини янада кенгайтириш, нафақат сузиш, балки каратэ, кураш, кикбоксинг, таэквондо каби спорт турлари бўйича ҳам иқтидорли

спортчиларни саралаб олишни режалаштирган. Қолаверса, спортга қизиқишни янада кучайтириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини жорий этиш каби мақсадларни амалга ошириш ниятида. Бундан ташқари, спортга фақат ўғил болаларни қамраб олиш билан чекланиб қолмай, қизлар ва аёлларни ҳам ўзлари қизиққан спорт тури билан мунтазам шуғулланишга, турли спорт мусобақаларида иштирок этишга ундаш борасида қатор ишлар амалга ошириляпти.

Фаррух ЮСУПОВ



## МАКТАБДА ЧЕМПИОНЛАР УЛҒАЙМОҚДА

Каттақўрғон шаҳрида жойлашган 9-умумтаълим мактаби жамоаси жорий «Баркамол авлод йили»ни кўтаринки руҳда бошлади. Ҳозирги кунда мактабда 736 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, 56 ўқитувчи уларга сабоқ бериб келмоқда. Мактабда барча фанлар қаторида спортга, жисмоний тарбия фанига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ёш авлодни жисмоний тарбия фани сир-асрорларидан воқиф этишда йигирма тўққиз йиллик педагогик тажрибага эга Фароғат Усмонованинг ҳиссаси катта. У ўз фани бўйича етук мутахассислардан бири саналади. Фароғат Усмонованинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўқувчилар баскетбол, шахмат ва бошқа қатор спорт тур-

лари бўйича вилоятда биринчиликни қўлга киритиб келмоқдалар. Жумладан, ўтган давр мобайнида илм даргоҳида билим олаётган иқтидорли ҳаваскор спортчилар «Умид ниҳоллари» мусобақаларида иштирок этиб, вилоят босқичида муносиб ўринларни қўлга киритишди.

МУХБИРИМИЗ

## «СЕМУРҒ»ДА СПОРТЧИ АЁЛЛАР

Баркамол авлод маънан ва жисмонан соғлом бўлиб камол топишида спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис ўқувчи-ёшлар ўртасида бир қатор спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Яқинда «Кувноқ стартлар» мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб, унда 235, 246, 258, 260, 274, 302-мактаб гуруҳлари иштирок этди. Эркин мавзудаги спорт рақсида 274, арқон тортиш, югуриш, сакраш турларида эса 246 ва 258-мактаб ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллашди.

— Туманимизда болалар ва ўқитувчи-аёллар спортини ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорларни амалга татиққ этиш бўйича кенг қўламадаги ишлар олиб борилмоқда, — деди Юнусобод ТХТБ касаба уюшмаси раиси Светлана Курепина. — Яқинда туман мактабларида бўш вақтларини спорт билан шуғулланиб ўтказаятган аёл ўқитувчилардан 7та гуруҳ тузилиб, Оқтошдаги сўлим гўшалардан бири — «Семурғ» оромгоҳида спорт мусобақалари уюштирилди. «Копток билан ҳалқа ичидан ўтиб, масофага илдам келиш», «Ҳалқа ичидидаги коптоқларни алмаштириш», волейбол, шахмат-шашка мусобақалари давомида маданий тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА



## ДАҲШАТЛИ ЖАВОБ УЧРАШУВЛАРИ

Европа футбол ишқибозлари тобора финал учрашувларига яқинлашиб бормоқда. Европа чемпионлар лигаси ҳамда Европа лигаси ярим финал ўйинларининг дастлабкисида мухлисларни қалқитган ҳолатлар етарлича бўлди.

Аввалига ўз уйида «Барселона»ни қабул қилган «Интер» клуби ажойиб ғалабани нишонлади — 3:1. Очиғи, каталонияликларнинг бундай йирик ҳисобда энгилишини миланликларнинг ўзлари ҳам хаёлига келтирмаган бўлишса, ажабмас. Бу натижа эса ўз-ўзидан «Камп Ноу»да ўтажак жавоб учрашуви «хаёт-мамонт» масаласига айланишини билдиради. Эртаси кун «Бавария» французларнинг «Лион»ни қабул қилди ва 1:0 ҳисобида устун келди. Таъкидлаш жоизки, мазкур жуплик баҳсида мюнхенликларнинг асосий футболчиларидан бири Франк Рибери қизил карточка билан «сийланди», меҳмонлардан ҳам бир киши кийиниш хонасига ҳайдалди.

Европа лигасида баҳс юритаётган «Атлетико» ўз майдонида «Ливерпуль»ни 1:0 ҳисобида мағлуб қилган бўлса, сафарда ҳаракатланган яна бир инглиз жамоаси «Фулҳэм» немисларнинг «Гамбург»и (0:0) билан муроса қўчасини танлади.



## ЕЧИМ УЧИНЧИ ЎЙИНГА ҚОЛДИ

Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА) Фарбий конференцияси плей-офф матчларининг илк раундида «Сан-Антонио» клуби «Даллас»га қарши ўтказилган иккинчи чорак финал сериясида зафар кучди.

Баҳс 102:88 ҳисобида ниҳоясига етди. Жамоанинг муваффақиятини таъминлаган очколарнинг асосий қисмини сафдошларига Тим Данкан улашди. У 25 очко ва 17 марта тўп билан таъминлади. 23 очко эса Эмануэль Жинобили номига ёзилди. Майдон эгалари жамоасида эса энг яхши натижани Жейсон Терри тақдим этди — 27 очко, бироқ бу жамоанинг ғалаба қозониши учун камлик қилди. Умумий ҳисоб ҳозирча 1:1. Ҳал қилувчи — учинчи матч кеча Сан-Антонио шаҳрида бўлиб ўтди.

Шарқда «Орландо» керакли натижага эришиб бўлди, «Шарлотт» клубини икки учрашув якунларига кўра 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи матчда 92:77 ҳисоби қайд этилди. 27 очко тўплашга эришган Стивен Жексон амалда ўз жамоасига барибир ёрдам беролмади.

## БИР КУНИ КАМ РЕКОРД

26 апрель кун америкалик машҳур ракеткачи Серена Уильямс ўз номини тарихга ёздириб қўйиши мумкин. Албатта, бунга унинг профессионал теннис соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари сабаб бўляпти.

У опаси Винус Уильямсдан фарқли ўлароқ, мана, 99 ҳафтадан бери жаҳон теннис рейтингини биринчи ўридан пастга тушгани йўқ. Яна бир кундан сўнг бу воқеликка 100 ҳафта тўлади. Теннис тарихида ҳозирга қадар Серенадан ташқари, яна олти нафар теннисчи 100 ҳафталик муддат давомида пешқадамликни ҳеч кимга бермагани маълум. Булар Штеффи Граф, Мартина Навратилова, Крис Эверт, Мартина Хингс, Моника Селеш ва Жюстин Энен Ардендир. Серена Уильямс уларнинг сафига қўшилганини балки ҳеч иккиланмай айтсак бўлаверар, боиси бир кунда WTA рейтингини ўзгартириб қолмайди.

## МЕЗБОНЛИК ҚИЛИШ ОСОНМАС

Маълумки, 2014 йили қишки Олимпиада ўйинлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтади. Шу кунга қадар ташкилотчилар жами 2,7 миллиард рубль миқдоридида харажат қилган.

Матбуот хизматининг билдиришича, бундай сарфлар кун сайин кўпайиб бориши муқаррарлигини инобатга олган ҳолда зудлик билан иқтисодий дастурни пухта ишлаб чиқиш лозим. Айна дамда кундалик мақсад ва эҳтиёжларни қондириш учун 600 миллион рублдан кўпроқ маблағ йўқотиляпти. Олимпиада ва Паралимпиада ўйинларини ўтказиш чикимларига яна 2,1 миллиард рубль ҳам қўшилади. 2009—2010 йилда давлат томонидан 2,6 миллиард рублдан кўпроқ миқдордаги субсидия ажратилган.



Дурдона СУЛТОНОВА, Нигора ҒАФҒОРОВА тайёрладилар.

# МУЪЖИЗАМАР ОЛАМИ ҚАХРАМОНЛАРИ

## Сизни болаликнинг ширин дамларига қайтаради

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази ҳовлиси бугун ҳақиқий байрамона тус олган. Ҳовлига киришингиз билан ўзингизни худди сеҳрли оролга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Чунки то марказ фаоллар залига кириб боргунингизча икки томондан жой эгаллаган турли-туман ўйинчоғу кўғирчоқлар сизни кузатиб кўяди-да.

Ҳа, сезган бўлсангиз, гап, ҳақиқатан ҳам, болаликнинг ширин дамларини ёдга солувчи, ҳаммининг кўнглида соғинч ҳиссини уйғотувчи "Ўйинчоғим-овунчоғим" номли ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар республика кўрик-танловининг якунига бағишланган кўргазма ҳақида бораяпти.

Мактабгача таълимни янги сифатли ўйинчоқ ва ривожлантирувчи ўйин материаллари билан бойитиш, миллий қадриятларимиз қаторига киритилган миллий ўйинчоқларни излаб топиш ва келажак авлод учун асл ҳолатида етказиш, улар замирида боланинг таълим-тарбиясига оид замонавий педагогик технологияларни яратиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда республикамиз ҳудудларидан 200га яқин ўйин ва ўйинчоқлар тақдим этилди.

Марказ фаоллар залига кириш учун анчагина кутишга тўғри келади. Чунки бир-биридан чиройли, нафақат болажонлар, балки катталарни ҳам ҳаяжонга соладиган ўйинчоқларни кўриш истагида келганлар анча. Агар эътибор билан қарасангиз, ҳар бир ўйинчоқ ёки кўғирчоқнинг қайси вилоятга тегишли эканлигини сезиш қийин эмас. Чунки ҳар бир вилоят ва шаҳарнинг ўзига хос кийими, жиҳози ва хомашёсидан таркиб топган ўйинчоқлар сизга «ўзи» ҳақида бемалол маълумот бера олади.

Мана бу каттакон тарвуз қандай ўйинчоқ бўлди экан, дея ҳайратланаётганимни пайқаган Сурхондарё вилояти Кумкўрғон туманидаги 2-сон "Бойчечак" номли МТМ мудираси Санам Қобулова уни шундай таърифлай кетди:

— Бу "Олтин тарвуз" ўйинчоғи бўлиб, у қоғоздан ясалиб, ранглар билан безатилган. Меҳржон байрамида барча меваларни унинг ичига солиб кўямиз ва битта-битта олиб болажонларга кўрсатамиз. Ундан ташқари, бу болаларида ҳам қўл келади. Чунингга ўхшаб ўмбалоқ ошади.

### Ko'rgazma

Шу пайт микрофонда бирин-кетин турли номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилиниб, совғалар топширила бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси — «Жисмоний ҳаракатли ўйинлари учун», Андижон вилояти — Кўғирчоқ театри ўйинчоқлари учун», Бухоро вилояти — «Кулолчилик ўйинчоқлари учун», Жиззах вилояти — «Дидактик ўйинлар учун», Наманган вилояти — «Стул усти ўйинлари учун», Навоий вилояти — «Ҳаёт хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари ўйинлари учун», Фарғона вилояти — «Таълимий ўйинлар учун», Самарқанд вилояти — «Воқеабанд ўйинлар учун», Сирдарё вилояти — «Кўғирчоқ театрлари учун», Қашқадарё вилояти — «Юмшоқ ўйинчоқлар учун», Сурхондарё вилояти — «Миллий халқ ўйинлари ўйинчоқлари учун», Тошкент шаҳри — «Сюжетли-ролли ўйинлар учун», Хоразм вилояти вакиллари — «Миллий кўғирчоқлар номинациялари бўйича тақдирланиб, энг олий ўринга "Интеллект" ва "Эрудит" нодавлат боғча-мактаблари томонидан яратилган бир-биридан ажойиб ўйинчоқ ва ўйинлар сазовор бўлди.

Кўргазмада сўзга чиққан Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров ҳам ўйинчоқларнинг бола тарбиясида, унинг ақлий ва жисмоний ривожланишида тугган ўрни нечоғлик муҳимлиги, ўйинчоқ болани мактабга қадар ҳам тайёрлаб берувчи воситалардан бири эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

— Кўргазмани ташкил этишдан мақсад, MTMdagi айрим сифатсиз ўйинчоқлардан халос бўлиш, уларнинг ўрнига фарзандларимизни ҳам ақлан, ҳам jismonan ривожлантиришга хизмат қилувчи ўйинчоқларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат, — дейди суҳбатда МХҚМОРУММ раҳбари Сабоҳат Миржалилова. — Шунингдек, кўргазма ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар учун ҳам ташкил қилинган бўлиб, келажакда бу ўйинчоқларни кўплаб ишлаб чиқариб, юртимиздаги ҳар бир МТМга етказиш ниятидамиз. Айниқса, кўргазмада Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Фарғона вилояти ўйинчоқ ва ўйинлари ҳар жиҳатдан болалар ёшига мос ясалгани билан бошқаларидан ажралиб турибди.

Кўргазма яна уч кун давом этади. Тошкент шаҳридаги барча МТМ тарбиячи ва услубчилари бу кўргазмага ташриф буюриб, ўйинчоқларни кўришлари, ўзлари учун янги жиҳатларини бошқа вилоятлардан келган ҳамкасбларидан ўрганишлари мумкин.

**Б.РИЗОКУЛОВ** ва **В.ГРАНКИН** олган суратлар.

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "Ma'rifat" мухбири



<p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>ТА'СИС</b> <b>ЕТУВЧИЛАР:</b> O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p><b>Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:</b> <b>Bahodir JOVLIYEV</b></p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p><b>Gazeta</b> <b>O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</b></p> <p><b>INDEKS: 149, 150. G-322.</b> Tiraji 40954. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV.</p> <p>Navbatchi: Behzod FAZLIDDINOV.</p>	<p><i>"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</i></p> <p><b>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</b></p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p><b>TELEFONLAR:</b> mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p><b>Dizaynerlar</b> <b>Liliya BINASHEVA,</b> <b>Malohat TOSHOVA.</b></p> <p><b>"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</b></p> <p>Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00 ЎЗА якуни — 21.00</p>
--	--	--	---	---